

ОРТИҚ СУЛТОНОВ

**КУЛГИ
ШАҲАРЧАСИДА**

Иккинчи китоб

**Тошкент
«NAVRO‘Z»**

4(5у) 6-7 УЗБ. әдаб. жарлари
Сатира ва юморинг
шакллари.

С 96

**Масъул мұхаррар - Истро菲尔 ШОМУРОДОВ
Мұхаррар - Тұлқия ЭШБЕК**

Қизиқчилік санында ғызига хос қолдузлардан бири бұлған
Ортиқ Султоновнинг ижод майдонидә ҳам қалами қайрилиб
бораёттани қувончли ҳол. Зоро, уннинг «Кулғи ҳақида...
кулишиб» деб номланған бириңчи китоби күлгисеварларнинг
қалб жавонидан муносиб үрин зғаллаганды. Умид қыламызы,
Ортиқнинг «иккінчи торғығы» ҳам мұхлисларига хүшкайфият
улашпаверади.

Султонов Ортиқ.
Кулғи шаҳарласыда: (Хангомалар, интермедиалар,
кулгилар) Т.: «Наврӯз», 2003 й.

ББК 84 (59) 6 – 7

© Ортиқ СУЛТОНОВ
© «NAVRO'Z NASHRIYOTI»
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.


20 06
Alisher Navoiy
nomidagi
Ozbekiston Mif
Mif 165

32661
40 2

7.

ТАВСИДАНОМА

*Туманим – Ургут, тоғлар ораси,
Отшім – Ортиқ, Курбон ота боласи!*



15. КИТОБ НИМА ХАҚИДА?

*Ҳар биримизда, минглаб
буюкликлар ётибди.
(Сұхбатдан/*

МУАЛЛИФДАН...

— Баъзи китобларда шундай деб ёзіб қўяди-я, биринчи варақнинг тагига?.... Тавба, унда қолгани кимдан?!

СЎЗБОШИ...

— Буям унча аниқ топилмагандек назаримда... Сўзниң бошиям, охириям бир бўғин...

ГАПБОШИ...

— Десаммикан?... Ёзаманми ўзи еки...

... КИРИШ

— Во!..

«Ўзи бир китоб ёзишингиз ҳамлик қилаётувди...». Хотиним гарчи сездирмаса-да, шундай легандай туколаверади.

Концертлар, тўй-ҳашамлар, иш, дарс, қурилиш ва озгина улфатчиликдан вақт ўтирглаб уйга кирамизу... Ўқиш, ёзиш, машқ қилиш...

Китоб ёзишдан мақсад нима?

Китобни қўлга олгандан каллангта келадиган биринчи фикр: «Китоб нима ҳақида экан?»... Ўйлайсиз, баъзан енгил варақлаб, билиб олгимиз ҳам келади.

Зиёлилар даврасида: «Бошидан озорқ ўқи, кейин воқеани хаёлингда ривожлантири ва хulosалаб, охирини ўқи... топган бўлсанг, ўқима!» — деган гап ҳам бор.

Хуллас, сиз варақлаб, таваккал қилиб, ўзингизни уринтирмаслигингиз учун ... китоб нима ҳақида эканлигини бошидан айтаман. Маъқул бўлса ўқийсиз, бўлмаса... ўша кўприкнинг устидаги гап!

КИТОБ КУЛГИ ҲАҚИДА

Уни ҳис этиш, севиш, тарбиялаб, бошқаларга қандай етказиш ҳақида.

«Меҳнат – маймунни одамга айлантириди!»

– Унда нега қолган маймунлар одамга айланмади?

– Улар ҳам ахмоқ эмас, одамга айланғанларкінг ақвалини күриб турибдию...

Чалғымаймиз...

«Бир фоиз талант, қолган тұқыс тұқызы мөхнат». Ким бұлишиңгиздан, нима иш қилишиңгиздан қаттыи назар нимагадир зришиш учун ишлаш, ўқиши, кашф қилишиңгиз, ақд әз билим билан, «билиб» меҳнат қилишиңгиз кераклығы ҳақидағи, устозлар үтіглари билан құннұтланған, шахсий амалиётта синалған ижодий фалсафам ҳақида.

Профессор лабараторияга кирса, аспирант шогирди ишләйтганиши.

– Нимага ҳалигача ишләяпсиз, шогирд?

– Мен әрталабгача ишлаш ниятидаман.

– Әрталабдан кечгача нима қиласыз?

– Мен 24 соат ишлашга қарор қылдым.

– Қарорингиз яхши-ю, лекин 24 соат ишласаңгиз, қачон ўйлайсиз, – дермиш.

Агар ўша шогирднинг ўрнида мен бұлғанимда:

– Устоз, нимани ўйлайман, ахыр ҳамма нараса ўйлаб топылған-ку. Биз, синаб күриб, бойштамыз, – дердим.

КИТОБ – БИЗ ҲАҚИМИЗДА

Биринчи китобимни «бир күриб беринг» деб, домламиз, устозим Мағымуржон Умаровға бердім. Оралан уч-турт күн ўтиб, фикр биларға ўтдым. Домламиз уришса арзигулик гапларниям сокинлик ва зәтиётлаб гапириб кетди-ю, «мен» деганинга тұхтади.

– Нуқул «мен»?.. – дедилар.

– ...Энди, менинг фикрим, менинг ижодим ва мен ҳақимда гап бұлайпти... «у» деб ёзаймы бўлмаса? – дедим. Биз кулдик.

Мана оддий қишлоқ мұхитидан машхурліккача бұлған йұлни босиб үтдім. Яраттанға минг шуқр, насиб этди.

Бизни, домлямиз ибораси билан айттанды мұхлисларимиз: «севимли санъаткориң», – дедилар.

Санъаткор тұғрисида гапирганды, хоҳдайсизми, йүқми, устози, мактаби ҳақыда гапирамиз... Хүш, бизнинг устозимиз ким? Биз қайси мактабнинг талабасимиз?

У устоз бизга нимани ўргатди-ю, у мактабнинг дарслик китоби нима?

Китоб биз ҳақими зда.

Бу китобнинг бош қаҳрамонлари:

Зекир Очалдиев ва Ортиқ Султонов!

Қорин оч. Қаердандир концерт құйиб келаяпміт. Анча юрганымиздан кейин мен хұрсаниб:

– Зал эслайдиган вәкөалар бұлаяптида, – дедім.

Зекир жилемайиб:

– Ишқилиб, эслайдиган ёшларга етаптыда, – деді.

Қаҳрамонларимиз бошқа китоблардагидек ижобий ёки салбий хусусиятларга зға эмас... Китобда улар, худди күргазмали куролдек «услубимиз қонун-қоидаларини» намойиш этадилар.

– Тұғри, биз изландик, биз кашф қилдик ички кечинмелар, мағлубият, талабалар! Буям бир китоб.

Лекин бу китобда биз ҳиссиятлар билан фикрингизни چалғитмаймиз. Баъзи нарсалар эсланар, агар фикримизни ойдиналаشتырышта хизмат қылса.

Бу китобда яхдит ижодий фикрлар хусусида сұхбатлашысак.

САНЪАТ БУ – ГҮЗАЛЛИК!
ГҮЗАЛЛИК – ОДДИЙЛИКДА!
Демак, САНЪАТ – БУ ОДДИЙЛИК.

Биз, шу аксиома билан
КУЛГИ ШАҲАРЧАСИДАМИЗ!

Үн-үн беш чөгли ишчилар доим бирға хизмат сафарига (командировка) поездда боришаркан. Йұлда бекорчиликдан латифа айтишаркан ва ҳамма айтиладиган латифаларни билиб

бүлгач, қаитта тақоралаб, оғовора бұлмаслик учун латифаларға рақам құйиб алишибди. Үларнинг сони айттыса бўлди, латифани эслаб кулишиб алишаркан.

Биттаси:

— Ўн саккиз.— деса, ҳеч ким кулмабдию, бошқаси шу рақамни айтса барча кулиб юборибди.

Биринчиси:

— Нега мен айтганда кулмай, бу айтганда куляйсанлар?
— деб хафа бўлибди.

— Ука, айтиш билан айтишининг фарқи бор-да.— дермиш бошқаси.

Яна биттаси бир гал:

— 27! — деса, ёнида ўтирган жу涓он бир тарсаки урибди:

— Уялмайсизми, аёл кишини олдида.— дермуш.

Биттаси:

— 895,— деса, биттаси барчадан баландроқ кулибди.

— Ҳа бунча кулдингиз? — деб сўрашса.

— Биринчи марта эшишиши.— дермуш.

25. АССАЛОМЧА АЛАЙКУМ. ЧЕМОЗ!

*Инсонни ота-она дунёга келтирди-ю,
уни яшаб турган жамияти, нафас
омаётган муҳити тарбиялайди.*

/Ўқигандим/

Катта ҳаёт бўсағасида турган, шаклланиш жараёни арафасидаги киши учун анг асосий ҳолат — тўғри маслақдош топиш ва ундан фойдалана билиш. Нимадан бошлапши билмай турганларга мен ўз ҳаётим ҳақида (мен кўргазмали қурол), мактабим ва устозларим ҳақида тагириб бермоқчиман...

Мактаб саҳнасига байрамларда бутун қишлоқ йигитлардилар. Катта қизиқиш билан бизларни томоша қиларди. 10 — синфда ўқирдик. Мактабимида Бекмурод Жўраев (экстрасэнс) ва «Қизиқчи-91» голиби Худойберди Зиётов концерт бердилар... Бу менинг биринчи соҳа «профессионал»лари билан

урчашувим эди. Худойберди-ака мени институтта етакладилар. 1988 йил Самарқанд театри учун қабул қилинган маҳсус курсда ўқиши бошладим. Бутун курс биттага театрга бориши назарда тутилгани учун ижодда қийналмасин деб домламиз Рустам Усмонов «қобилияти бор» талабаларга кўшимча дарс қилиб, режиссёрлик санъати ҳақидаям тушунча бериб борарадилар. Менда ўша кезларда ўзимдаги бор имкониятни синаб кўришга иштиёқ туғилди.

Домламиз жаҳон режиссурасида мактаб яратган режиссёrlар ҳақидаги китобларни берар, ўқиганларим асосан рус тилида бўлгани учун деярли ҳеч нарсани тушунмасамда, астойдил ва рақлашдан менга ўтгани, домланинг айтганларидан кувватланардим...

Бу орада бешта қизиқчи бирлашиб «Кўзгу» қизиқчилар грухини туздилар-да концерт бера бошладилар... Биз ҳам беш йигит бирлашиб «Файра-ғайра» ҳазил грухини туздик. Демак, режиссёрлик қобилиятини синаб кўриш имконияти туғилди... Ва у ижрочилик билан бирга шаклланди. «Ижодкорнинг йўналишини унинг табиати белгилайди», – дейишади. Ҳазилга мойил ташқи қиёфаму, ижодий қарашларим билан култига... кулдиришга қарор қилдим. **Маъмуржон Умаров** (домлам), мени кулдириш санъати ҳақидаги тасаввурларимни бойитишга, соҳага жиддий қарашга ва ижод қилишга ўргатдилар.

Хожибой Тожибоев билан ҳам домла таништирганлар. Мен **Хожибой** акани ҳақиқий устозим, деб тан олиб, ижодда «кулдириш маданияти»ни у кишидан ўргандим.

Институтда иккинчи курсдалигимда ҳикояларни инцинировка қилиб, ижро этиш ўргатилаётган вақтлар **Абдусаид Кўчимовнинг «Отағигил»** деб номланган ҳикояси диққатимни тортиди ва муаллиф ҳамқишлоғим эканидан фахрланиб, иш бошладим. Устозим Абдусаид Кўчимов билан учрашув ҳаётимдаги катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Мен «Муштум» журнали юқодкорлари билан яқинлашдим **Неммат Аминов** ва **Шухрат Жабборов** ёрдамида «Муштум»нинг бошидан охиригача ҳаммасини ва рақлаб, репертуар йиғдим. Баҳонада ҳажвий ҳикоялар, ҳангомалар, фельетон, сонсаноқсиз латифалар ўқиб, култи ҳақидә анча фикр ва мулоҳазаларга эта бўлдим.

Шу орада Эргаш Каримов ва миниагюралар театри билан ҳамкорлик бошланди. Эргаш акадан биз күрсатув қилишини ўргандик.

Мирза Холмедов, Собит ва Обид Асомов, Ботир Мухаммадхўжаев, Тухтамурод Азизов раҳбарлигига «Кўзгу» қизиқчилар театри тузилди, деб эслаб ўтувдим... Биз ҳам туздик «Файра-ғайра» ҳазил гурӯхини. Хуллас, «Кўзгу» бизга қандай концерт қилишини ўргатди.

Абдулла Акбаровдан куттилмаган сўзни топишни-ю, айтишни ўргандик. Самарқанд театри. . Биз актёр сифатида Тавъиберди Курбононинг шогирдларимиз, деб фахрланамиз.

Мен яна кўплаб ижодкор устозлар ҳақида ёзишим мумкин. Санъатда устоз ўргатмайди, санъатда шогирд ўрганали. Санъатни деҳқончиликдан фарқи шунда, назаримда (Бу гапни шогирдларимга айтяпман). Биз ҳам шундай кишиларга қараб инсонларга муомала, санъатга муносабатни ўргандик.

Зокирдан ўргандим, у мендан ўрганди. Биз шерик бўлибгина қолмай, бир-биримизга дўст, устоз бўлдик... биз бирга қидирдик, бирга ўқидик.

Китоб – устозим.

«Бирни кўриб фикр, мингни кўриб шукр қил», – деганиларидек.

– Энг оддий хулоса: ўзинг ўзинги устоз.

35. ЎЗИМИЗ ҲАҚИМИЗДА

Биз ҳақимизда кўп ёзишган. Газеталарда ва ҳоказо...

Энди китоб тарих, биринчидан. Иккинчидан, ўзимиз ҳақимизда ўзимиз ёзган бошқача... Қўқонлик Аббосхон эшон бувамиз айттанларидек...

Хуллас, ўзимиз ҳақимизда алоҳида-алоҳида ёзай, дедим... кейин қарасам шарт эмас. Бунга ҳозир ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Ҳаёт дафтарчамиз

Иккаламиз ҳам Самарқанд вилояти Ургут туманиданмиз.
Мен Қингир қишлоғидан, Зокир – Дүнгқишлоқлик.

Иккаламиз ҳам 1971 йилда туғилғанмиз, мен 1 май, хужжатда 29 апрел, у 20 март күнлари дунёға келғанмиз.

1978 – 1988 йилларда – Қишлоқ мактабида.

1988 – 1992 йилларда – Санъат институтида. Бу ёғига әнди...

Меҳнат дафтарчамиз

1992 – 1996 йиллар Самарқанд, Ҳамид Олимжон номли театр, актёр.

1996 – 1997 йиллар. Вилоят телерадиокомпанияси. Мен-режиссёр

1997 – 2000 йиллар. «Ортиқ-Зокир» қызықчилар фирмаси.

Мен – раҳбар. Зокир – актёр.

2000 йилдан бошлаб – Ўзтелерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали. Мен – режиссёр, у – муҳаррир.

2003 йил қўшимча – Маннон Уйғур номли санъат институтида – мен домла.

Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида – мен тадқиқотчи.

Ҳозирча шу!

Худо ҳоҳласа, ният ва орзулар кўп. Насиб...

Саҳнадаги саналар!

1988 йил – «Ғайра - ғайра» ҳазил театрининг биринчи томошаси.

1991 йил – Вилоят театри бошчилигига Самарқанд бўйлаб биринчи ижодий сафар.

1992 йил – Самарқанд шаҳрида.

1997 йил – Сурхон бўйлаб биринчи сафар.

1998 йил – Жиззах бўйлаб биринчи ижодий сафар.

2001 йил – Тошкентда биринчи томоша.

Ўрта Осиёдаги барча мухлисларимиз шаҳар ва қишлоқларида биринчи ижодий сафаримиз бўлиб ўтди ва бу анъанага айланди.

Хизматдамиз!

77. *ЖИТІОБ* (Қизиқчилар учун...)

ОРТИК: — Қизиқчиларга бағишлоғ қылнг!?

ЗОКИР: — Айёмингиз муборак буткул,
Үзингни ўзинг күтгіл
Қоғияни қаранг!

ОРТИК: — Маңын үхшамади-ю?

Айёминг муборак буткул
Шодлик байробин тұтғил... дәңг
— Шоңр рози!

ЗОКИР: Айёминг муборак буткул
Шодлик байробин тұтғил...
Қизиқчи бұлсанғ, агар...
Күлдір, қани ер юткүр.

БИРИНЧИ СҮЗ ...

— Шу биргина сүз мени баҳтли қылади...

Менга тегишига розимисиз?

— Йүқ!

— Ана ўша сүз... Мен баҳтиман.

/Учрашуғдаги сұхбатдан/

Китобнинг биринчи қаторини ёзиш қийин бұлди.

Дүстим ибораси билан айттанда: «Езувчилік масъулиятини хис эта бошладим». Лекин имконият бор экан, хоҳиши уни измірга солади.

Китоб йиллар давомида каллада ёзилди.

Жараён, албатта дүстлар даврасида пишади... Улар фикримға күвват беришар, китоблар тавсия қилишарди. Мен эса уларни ўқымадым. Насиб этса ўқыйман ва бу асарлар ижодимни янги босқычига нарвон бұлади.

Хозир эса билгандаримни ёзганим дуруст. Биринчидан, күп нарсаны айтаман десант, чалкашиб кетади.

Иккинчидан, айттанларимни түғри аңлаганға амалиётда

исботланган тавсия бор. Биринчи китобимда ўзим ижро этган ва синалган номерларимдан ёздим. Ҳеч ким, ҳеч нарса ижро этмади... Баҳона, сабаб кўп.

Энг бош сабаб, менимча ижодкор санъаткорларимиз: «бизга ёзиб бермайди», аниқроғи, ёзилган нарса култили эмас, деган ахмоқона хulosага келиб қолган... Шу боис алабиётга ишончсизлик билан қараб, ижодда янгилик қилолмай қийналадилар!

Бу китоб – эстрада актёрини ўз устида, номер устида ишлаш жараёнида ўз устидан ишлаши ҳақидаги фикрларимиз.

Ўзингизни тушуниш... Фикр ва мақсадни тўғри илғаб, тўғри етказиш, тушуниш ва тушунтира билишта асосланган амалий қараш, услугуб. Китобни оддий ва содда қилиб ёзишга ҳаракат қилдим. Илмийлик даъво қилмаймиз ҳам. Ундаги ишлатилган “атама”лар ҳам санъаткор ижрочилар шевасидан олинган.

– Иккинчи китобимда қизиқчини тўртта бўлмоқчиман, – дедим домладан фикр олиш мақсадида. – «Қизиқчи-томушабин», «қизиқчи-муаллиф», «қизиқчи-режиссёр» ва «қизиқчи-ижрочи».

Домламиз бироз ўйланиб турди-да:

– Қизиқчи-томушабин? – дедилару, бироз ўйланиб, кўшиб қўйдилар. – Керак, керак экан!

Назариёт ва амалиётимиз шуни исботлайдики қизиқчи тўла маънода комил бўлиши учун шу тўртта қирра бўлиши лозим.

Қизиқчи томошабин – кўз, яъни кўриш;

Қизиқчи муаллиф – юрак, яъни ҳис қилиш;

Қизиқчи режиссёр – мия, ҳаракатга келтириш;

Қизиқчи ижрочи – қўл-оёқ, яъни ҳаракат;

Ва бу тўрт қирра саҳнада бир жон, бир тан бўлмоғи айни муддаодир. Яъни, томошга залида кимдир сиз айтгэтган латифани билар экан, сиздан олдин айтиб юборади. Энди сиз айтсангиз кулмайди.

Муаллиф – топади.

Режиссёр – ҳаркатлантиради.

Томушабин – тасдиқлайди.

Ва ижрочи – ҳолатдан чиқиб кетади.

Хуллас, бу китобда шулар ҳақида гаплашамиз.

ҚИЗИҚЧИ ТОМОШАБИН

*Инсонни тарк этгән рух, то жаноза
үқىлгүнча жасад билан бирга бўлиб,
бўлаётган воқеаларни томоша қилиб
турар эмиш.*

(Эшигтгандим)

Қизиқчи ундоқ бўлиши керак ё бундек, дерканман, "Бошқаларчи?" леб ўзимга савол бераман,— ўйлайман.

Назаримда кўплаб санъат даражасидаги тушунчалар борки, ҳаммага баробар.

Томошабин бўлиш ҳам шулар жумласидан. Ким бўлишингиздан ва нима иш қилишингиздан қатъи назар, ўзинг ўзингитга томошабин бўлишинг, ташқаридан кўп қатори ўзингни кўриб, қилаёттан ишингта баҳо бериб боришинг керак.

Қизиқчи... кеп қолди...

*Афанди ариқдан ўтаётуб йиқалиб кетибди-да, атрофда
битта-яримта бўлса кулмасин деб:*

— Эҳ, қарилек қурсин, — деганча чопонини қоқиб, атрофга қараса, ҳеч ким ўйқ. Ўзига ўзи:

— Ёшлигингда ҳам гўр эмасдинг,— дермиш.

Қизиқчитомошабин сиз ўқиётган, эшигтган, кўрган воқеаларга муносабат билдиради.

Нега мен айтган латифага одамлар кулади? Чунки, ушбу латифани эшигтганда мен ҳам кулганман. Мендаги «қизиқчи-томушабин» кулган.

У ўз кулгиси билан ижодий фикрга асос солади.

Номер кўрсатаёттанды ҳам... биринчи кулги иккичисидан кучлироқ бўлишида «қизиқчи-томушабин» муносабати бирламчи.

Кўпчиллик айнан шу, нимадан кейин нимани айтишни билмай қийналади. Зўр гапни айтиб қўяди-да кейин охирида «емай» қолади.

Демак, «қизиқчи томошабин»ни, ўзингизда шакллантириш ва ривожлантириш, номерни тўғри жойлаштириш ҳангомадаги воқеани тўғри ривожлантиришга қувват беради.

БИЗ САҲНАДАМИЗ...

Ҳамма тұхтовсиз кула бошлайды. Яна битта күлгіли гап... Яна, ундан ҳам күчли күлгі.

Мендаги "қизиқчи томошабин" мен билан бұлиб, томошабинни кузатса, томошабин билан бирлашиб, мени кузатади.

"Санъаткор томошабиндан бир қадам олдиндан бұлмоғи керак", – деган. Демак, у томошабинни зргаштириши керак! Бунинг учун аввало, сенинг ортингдан ўзингдаги "қизиқчи томошабин" зргашмоғи керак!..

"Хандалак-плюс" тасвирга олинмятти. Муалтиф Кувондиқ Сиддиқовнинг муносабатидан – сұз ва ижро тұғрилигини, режиссер Баҳодир Йұлдошевдан кейинги ҳаракатта тұғри боряпманми-йүқми, тасвирчининг фаолиятидан эса томошабиннинг фикрини үқиб оламан. Чунки қилинаёттан ишни у экранда күриб боряпти. Мендаги қизиқчи томошабин мен билан бирлашиб уларни томоша қиляпти.

Энди исккінчи қолат:

Ошлаз шогирдидан сұраиди:

– *Бу котлеттаға нима етишмайды?*

– *Гүшт.*

– *Хүш, нима құшамыз?*

– *Қалампир! – дермиси шогирди.*

Хуллас, мен ва мендаги «қизиқчи-томушабин» кулди. Айтib бердім ижодий гурұхда ҳеч кім кулмади... ёки тескариси. Менга күлгіли туолмаган гапта, томошабин чапак чалиб, кулади.

Фақат ўзингнімас, демак ўзгаларниям сезиш ва "мухит"та мослашиш ҳам заруршы.

«Актёр – кузатувчи бұлиши керак»

«Узокдаги қишлоқда концерт қўйлик, – деб эслайди устозлардан бири. – Энт күлгіли гапниям айтдик, ҳеч кім кулмади... Бирор жиiddийроқ нарса ўқийлик, – деб ўқишини бошловдик, күлгі... Саҳнадан 15–20 метр нарида бир актёр эшакка минаман деб йиқилған экан. Қишлоқдаги кейинги концертларимизда яна бир қаҳрамон күпайди – эшак. Қаерга борсак топиб дарров сценарий қилинди».

Хар бир томошабин ўзига хос.

— Уларнинг бир-бирларидан фарқи борми? — деб сўрайди қўпинча.

Ҳа! Бирлари томоша кўргани кирган, бошқалари эса артистни.

Томоша учун кирганлар охиригача кўради... Сиз билан ижод қиласди. Артист кўргани кирганинг қувончи бир дақиқалик — сизни кўради-ю, томом, у учун томоша тугайди. Кўпинча маза-бемаза халақит ҳам беради.

Зиёлилар — ақлий, дехқон — жисмоний ҳазилга мойилроқ бўлади, дейилган.

— Аёллар даврасида нима ҳақида гапириш керак?

— Уларнинг гўзаллиги ҳақида.

— Гўзал бўлмасачи?

— Бошқа аёлларнинг камчилигидан.

Болалар даврасида сўз билан олқиши олиш қийин. Уларга ҳаракат қизик.

Шоҳ афандига:

— Шундай иш қилки, мен сени жаллодга топширай, кейин сен, шундай кечирим сўраки, у қилган гуноҳингдан ошиб тушсин,— деб топшириқ берибди.

Орадан сал ўтиб, шоҳ чўмилаётса афанди секин кириб, эшикни ёпиб, ечнаётганмиши. Шоҳнинг ғазаби чиқиб:

— Жаллод! — деса.

Афанди:

— Кечирасиз шоҳим, мен сизни «маликам» деб ўйлабман.— дермиш.

25. ҚИЗИҚЧИ МУАЛЛИФ

Текст фикрлар учун турткидир.

Аркадий Райкин

ҚИЗИҚЧИ МУАЛЛИФ

- Сиз ёзинг, газетамизга босамиз!
- Ёзаман лекин...
- Нима лекин?
- Ўқишармикин...?

/Хангомадан/

Қизиқчининг кўлида қалами борлиги – 50 фоиз ютуқ.

Ҳар бир ижрочи, ўзига хос бўлиши учун унинг ўзига хос адабиёти ва драматургияси бўлиши керак экан.

«Муаллиф-қизиқчи» сиз ижро этадиган номерларнинг ҳаммасини (бировнинг асари бўлсаям) қайта ёзали.

Энди лугатимизга бир неча шартли иборалар киритамиз.
ЁЗМА КУЛГИ ва САҲНА КУЛГИСИ,

Бири ўқиса кулгили, иккинчиси ижрова. Газета ва журнallарда кўпчилик қизиқчиларнинг чиқишиларидан намуналар берилади... Ўқисангиз кулгили эмас. Чунки ижро билан кулгили. Гарчи, якка ҳолдаем томошабин билан мулоқот қилолсак-да, мухлисларимиз Зокир билан бирга туришимизни хоҳлайдилар. «Икки актёр театри» мактаби услугубига курилган кашфиётмизни келинг, шартли қилиб:
«ИККИ ДЎСТ СУҲБАТИ» деб атайлик.

1. Ҳар қандай воқеа икки дўст судбатида курилади.
2. Суҳбат оддийлиги, беозорлиги, энг асосийси, чиндан ҳам кулгилилиги билан характерли.
3. «Кулги» деган жойи бор эстрадада. Бунда КУЛДИРГУВЧИ йўқ, КУЛГИ бор.

Ким, қачон, қаерда, ҳатто кимга айтаёттани мұхым әмас.
Мұхими – нима деяёттанида!

Яъни, ГАП БИРЛАМЧИ! Ёзаёттанды шундай ёзилади, уни әркак ё аёл, қарі ёки ёш ижро этиши мүмкін. КУЛГИда ижрочини күрмайсиз, уни зәйтасиз.

Хуллас, бирор асарни ўқиганда күлдингиз, дейлик. Уни ҳикоя қилиб берсанғиз, одамлар күлмайди... Чунки у ўқиганда қызық.

Демек мұаллиф-қызықчи «ёзма күлгини» «оғзаки күлги»та, саңна күлгисига айлантириб қайта ёзиши керак.

Яна иккита ибора: «ҚИЗИҚ» ва «КУЛГИЛИ». Ижрода:

«Ёзма күлги» - бу «ҚИЗИҚ».

«Саңна күлги» - «КУЛГИЛИ» бўлиши керак экан-да.

18. ҚИЗИҚЧИ ТОМОЖАБИЧ

Образ кузатиш маҳсули!

*Инсон табиатини кузатмаслик образни
маъносиз қилиб кўяди.*

Чарли Чаплин

Ёзаёттанды нималарга эътибор бераман:

1. Мен номерларимни асосан китоблардан оламан... Қанақа китоблар? Ҳажвий ҳикоялар, латифалар, баъзан спектакллардан олинадиган парчалар... Ҳамма жойдан.

«Янгилик бу унуглиган эскилилдир!» – деганлари идеқ, изланар эканмиз, «Эврика!» деб, соҳада янгилик қалгандек бўламиз. Аслида сиз ўзингизни кашф қилган бўласиз. Бу менинг биринчи фалсафам.

«Ҳамма нарса ўйлаб топилган», – деган иборани ишлатувдик. Ҳақиқатан ҳам шундай.

Маъжозий маънода айттанды: олма бор, шафтолям ўйлаб топилган. Биздан талаб, пайвандлаш ва кашф этиш. Бу – иккинчи фалсафам.

2. Биз туғилиб ўсган қишлоқлар башариятта Тұра Ҳайитов, Абдусайд Күчимов, Маматқұл Ҳазратқұлов, Асад Дилмуродовдек ижодкорларни тұхфа эттан.

Тентдошларимиздан Наврұз Ризаев, Абдулазиз Йұлдошев, Самарқандда фаолият юритаётган Файзи Ҳайдаров, Амирилло Ахмедов, Исматилло Йұлдошев, Дилмурод Дұстмуродов, Холмуҳаммад Нурилаев, Тошпұлат Тугалов деган ижодкор акаларимиз билан фахрланамыз.

Бошқа соңалардаям ўнаб, юзлаб қишлоқдошларимиз халқ хизматыда. Қишлоқдан гапириб қолганимнинг яна бир боиси «Ҳидоят сари» күрсатуви ижодкори, ҳамқишлоғимиз Дилмурод Құшоқов билан сұхбатлашиб туруаудик. Бирдан концертилеримиздан гап чиқди-да Дилмурод ака «Она мадҳи» деган номеримиз ҳақида гапириб қолдилар. Бир-биримизни яхши түшуниб олишимиз учун ўша ривоят: Ориф Ҳожи қаламига мансуб.

ОНА МАДҲИ

— *Онасан, дардга дармонасан,
Онадеқ борми сира меҳрибан?
Она болғу рөғимиз,
Она — бу ўтмас чирғимиз.*

Сүз дүнёда энг улуғ зот меҳрибон она жаңылармиз түүркисида борар экан, биримиз улар мұрадыған йұлларида поёндоз бұлсак, биримиз она ўтадыған ариққа күтірік бўлмоғимиз лозим.

— *Расули акрамдан нурлы ҳадоват:
«Оналар оёғи остида жаннат».
Бу ҳадис маъносин ўшладым узок,
Китоблар варақлаб, и լадым изоҳ.
Ривоятлар келар қаторма-қатор,
Барыда оналик мақтовори бисёр.
Лекин улар ичра битта ривоят
Қалбимни ларзага келтирди ғоят.
Жаноби Пайғамбар бир куни, ногоҳ,
Мозордан ўтардилар, асхоблар ҳамроҳ,
Қабристон түридан бир фарәд келди,
Юракни зэгүвчи аччиқ дод келди.
Дод эмас, ҳасратли бир нолиш эди,*

Ҳар бир "вөх" жон олиб, жон бериш эди.
Пайғамбаримиз шул томон күрдилар
Ва янгидан қазилған қабрни күрдилар.
Хаёлан Оллоқ даргоҳидан ижозат олдилар
Сұнгра үл майитни сүроққа солдилар.
Расули акрам дедилар: Айт,
Тұқдиянғы мұслимнинг қонини?

Майит деди:

- Йұқ, отріттамадым мусичаниң жонини.
- Демак, демак күн күргансан луқмаи ҳаромдан?
- Йұқ ҳазар қылғанман макруҳ таомдан.
- Э, вөх зиномиди гуноҳың сенинг?
- Йұқ, шукурким, ҳалол эди никоҳым мени.
- Үнда недан сенга бунча азібдір?

Қайси айбинг учун шүнча разабдір.

- Құрбым еттас менинг жавобға.
Бир гуноҳ бир умр қылған савобға,
Хасға ўт түшгандек ёнди-куйдирди.
Шайтон сұнгги лаҳзада йўлымдан үрди.
Оғири бетоб эдім мен жон талашиб,
Ётардым тұшакда иситтама ошиб.
Волидам ёнимда гиргиттон эди,
Сув десам жон тутиб, меҳрибон эди.
Токи жоним чиқарға етганда фурсат
Дедім: эй Азроғл жойшын күрсат.
Руёб бұлған эди қылған меҳнатим,
Насиб бұлған эди жаннатдан жойшы.
Бу сирдан бехабар бечора онам,
Ұлмагын болам, деб мени дам-бадам
Юзимдан, күзимдан ўпарди гирён
Рұх танамга қайтгандай бұлды бир заман.
Мен бундай қайтишни онамдан билдім,
«Қайтарманғ!» - деб, ул зотни құлига үрдім.
Шу кундан бекор бұлды бутун тоатим,
Тұнлар бедор қылған минг тиловатим.
Билдім, асло менға ҳидоят бұлмас.
Онамдан ўзгадан, иноят бұлмас.
- Бундай жавоб тинглаб пайғамбаримиз,

*Дедилар: «волидасин излаб топингиз».
Онага ахволни аён қылдилар.
Она кечирдим, деб дуо қылдилар.
Шунда қабрдаги фарёд ҳам тинди,
Бу майитга жаннат насибdir энди.
...Расули акрамдан нурлы ҳидоят:
«Оналар оёғи остида жаннат!».*

Хулас, шу ривоят ҳақида сұхбатлашиб: «Нотұғри» – дедилар.

– Нега? Ахир яхшиликка ривоят дуруст эмасми?
– Дуруст, айттан ривоятtingиз пайғамбаримиз ҳәётида бүлганиға далилингиз борми? – дедилар. – Чунки, авлиёю, анбіёлар ҳәётидан гапирғанда, бүлган нарсаны айтиш, ёзиш керак! Ривоятни ёзіб берган акамиз ҳам масжидда имомтық қылған тақводор йигит. Шу боис у бу мастьулиятни сезиб ёзғандир.

Қиссадан ұнса шуки, мастьуллар мавзу таңлашда билиб, тушунив ёзиши керак.

3. Ижрө мослаб ёзаман. У қандай гапиради, қандай ижро этади... «Қаққақа» қызықчилар театри ижодкорлари дүстларимиз. Бир номер хусусида мендан фикр сұрашы. «Нотұғри». – дедим. Сал ўтиб шу номерни халққа ижро этишганини күрдім... Шунақанты күлгі бүлдікі. Томошабин қачон кулади? Тушунса, тұғри бўлса. Демак «тұғри» эканда.

4. Фикр тушунарлы, холоса тушунарлы ва күтилмаган бўлишига эътибор бераман. «Қисқалик - талантнинг ҳамшираси», дейишади. Ёзувчилар: «қисқалик – қалам ҳақининг қайнонаси» - деб кўшиб қўядилар. Заргар зарни қизғаниб ишлатганидек қисқа ва лўнда ёзаман.

5. Кулги гапларни қаердан оласиз? (*Мұхлислар саволидан*)
Кызықчиллик борки – шу савол бор: “Қаердан оласиз?”

Эски шаҳардан шундоқ ичкарига кирсанғиз учинчи темир дарвоза... килоси 500 сүм. Биз шу ердан олиб, 100 сүм қўшиб сотамиз.

... Кулги ҳамма жойдан олинаверади.

Масалан: юрган Йўлимиздан, фойдаланаётган нарсаларимиздан.

Автобусда...

Назоратчи хотин: (уч йигитта яқынлашиб) *Билет!?*

Биринчиси: *Проездной*, — дебди.

Иккинчиси: *связной*, — деса,

Учинчиси: (нима дейишилни билмай) *Мендаям билет шұқ.* - дермиш.

Назоратчи хотин: (улардан пулни олиб, барча йұловчиларга) *Кимнинг нимаси бұлса, марҳамат, чиқариб күрсатсын*, — дермиш.

Хәл суриб үтирган кишига «*Билет олдингизми?*» — деса, у: «*Билетни нима қыламан, ҳали виза урдиролғаним шұқ*» — дермиш.

Метроды...

Эскалаторда бемалол келаётган кишини сумка күтартған болакай шошилтирди:

Бола: — *Амаки, тезроқ, кетиб қолади... тез... тез... тез...* хайрият, улғирик.

Амаки: — *Падарингга лаънат...* Мен нариги томонға кетишім керак зди.

Поездда...

Поезд күтесида старшина, солдат, аёл ва унинг вояга етған қызы ҳамроқ бўлишиди. Поезд тоннелга кирди... Коронгулик ичидагарсаки овози чиқди.

Она: (хаёлида) қызим яхши. Ўзини ҳимоя қилолди.

Қиз: (хаёлида) Онамни ёқтириб ?олибди шекиилли!

Старшина: (хаёлида) Нега урди мени? Ахир ҳеч нарса қилмадим-ку!

Аскар: (хаёлида) Яна тоннел чиқса, энди бу томонига соламан!..

Кўрсатув ёки саҳнага ёзиш деярли бир хил, имкониятга қараб ижод қиласверасиз.

6. Шароф Бошбеков китоб ёзишдан олдин 300 та китоб ўқыган, кейин ёзган, — деган эди бир сұхбатдош «Темир хотин» асари ҳақида гапириб. Бу тап нечөгели тұғри, бимадиму, ҳар нечук мен ҳам шу фикр тараффориман. Күп ўқиш ва ёдлап керак.

Ёдлаш сўз бойлигини оширса, ўқиш фикрингизни чарклайди. Шунда сиз чиройли ва маъноли гапирасиз.

Санъатда «инсенировка» деган термин бор. Буни ўқиб, нималигини тушуниб оларсиз.

Тартибимизга риоя қилиб, ёзилган нарсаларни ёзмайман.

7. Хуллас олдин кичик ҳангомалар, ҳикоялар «ёзмадан» «саҳнага» мұлжаллаб ёзилади. Кейин бирор бир воқеани сағнабоп қилиб ёзасиз... ва ҳоказо.

8. Томошабин билан сұхбатдош бұлшылға ҳаракат қиласаман. Бор гап шу.

38. ҚИЗИҚЧИ РЕЖИССЁР

*Ички ва ташқи топшымалар ийғандиси
режиссёр санъатининг қудрати...*

(Бир сұхбатдан)

ҚИЗИҚЧИ РЕЖИССЁР

- *Үртоқ режиссёр иккинчи күринишда мен ичадиган вино ҳақиқий бўлсин.*
- *Розиман. Охиригү күринишдаги заҳар ҳам ҳақиқий бўлса.*

/Ҳангомалар/

«Яхши актёр – режиссёрдир» - дейишади. Демак, режиссёрлик қобилиятининг борлыги ва унга эътиборимиз сизни яхши актёр учун даъватимизнинг бир кўришидир.

Баҳодир Йўлдошев Самарқанд театрида «Нодирабегим»ни саҳналаштирди. Мен бутун томоша давомида балконда Баҳодир ака билан ёнма-ён ўтириш баҳтига мұяссар бўлиб қолдим...

Ишонинг, саҳнадан – Баҳодир акани томоша қилиш қизиқ. Бутун воқеа, кечинмалар ҳамма-ҳаммаси режиссёр танасида, кўзида тўла-тўқис акс этмоқда эди.

Бутун воқеани, күрсатув ёки томошани күз ўнгимизга келтира олишингиз учун керак экан-да.

Режиссёр ижрочи ва бошқалар ўртасида кўпприк. У ижодий муҳитни бошқарувчи, етакловчи. Муаллиф фикрига нисбатан тасавурни ўйғотадиган, жонлантирадиган.

Қизиқчига режиссёrlих нима учун керак?

Концерт.

Номер шартига кўра, томошабин ичидан бир ижрочи танлашингиз керак. Ва ўйин шартини тушунтириб, шу ўйинга режиссёrlик қила билиш учун.

Драмада актёр ойлаб репетиция қилади. Саҳнада у шериги нима дейишини ва ўзи нима қилишини билади. Топшириқ, шу жараённи тўғри ўтиб бериш, тўғри кечинма қила билиш.

Эстрадада: сиз биласиз, шеригингиз - томошбин, у билмайди. Аслида билмагани учун ҳам кулади-да, билса кулмайди-ку.

Яна бир томони, у билмайди, демак, билгач, у нима дейиши ёки нима қилишини сиз ҳам билмайсиз.

Демак, сиздаги «қизиқчи-режиссёр» томошани бошқариб боради, содир бўлган ҳар қандай вазиятдан чиқиш учун йўл топади.

Ижрочини бир хиллиқдан асрайди.

Ижрочи кашфиётини мукаммаллаштиради. Яъни Худойберди Зиёдов «Отахон» образини яратди. Отахонни шеваси ва овозида гапиради. «Опера ва балет театри», «Хоккей» ўйинида, «Америкада саёҳат», «Россияда саёҳат»да бўлган воқеаларни моҳирона айтиб берди. Энли у нима қилиши керак? Баъзилар энди почча, ота ёки ўғилнинг образини яратишга ҳаракат қилиши керак дейди.

Тўғри!

Лекин менинг назаримда ижрочини томошабинга маъқул қилган «отахон» образи қолиб кетмаслиги, яна янги воқеа ва ҳангомаларда ривожланиши, бир сўз билан айтганда ижрочини бутун ижоди мобайнида давом этавериши керак. Ва қизиқчидаги режиссёр-қизиқчи биринчини, иккичисидан кучли бўлишини таъминлайди.

Санъат оламида «репетиция» деган тушунча бор. Яъни кўрсатиладиган томошани тайёрлаш жараёни. Биз бу

машгүлottes деярли алоҳида вақт ажратмаймиз.

Масалан: Мен ёзаман-да, Зокирга бир нусха бераман.

А) Ҳар ким үзича ўқилади. Сўзлар, баъзан жумлалар олиб ташланади ёки мослаштирилади.

Б) Кейин бирга ўқилади. Ким-кимдан кейин нима дейди, аниқлаштириб олинади.

В) Сўнгра қоғозсиз ўқилади.

Г) Навбат «сен у ёқдан, мен бу ёқдан чиқаман»га келади. Хуллас, томоша ҳақида тасаввурга эга булдик. Бу ёғи томошада, муҳлислар нигоҳида пишади.

Кераксиз жойлар тушиб қолади. Йўл-йўлакай топилган нарсалар қўшилиб кетилаверади. Ҳар жойда, ҳар хил шароит ва имконият. Шу боис қаердан чиқиш муҳим эмас. Муҳими, қачон чиқиш.

Биз репетиция қиласиган вазият ҳам бўлади. Қачонки, учунчи, тўргинчи шерик бўлса. Яъни улар учун. «Икки дўст сұхбати»нинг яқинлиги, ўзимизни килити тушинганилигимиз боис, томоша – репетиция.

Томошабин – режиссёр.

– Нега кўчада жанжал қиласинг?

– Энди бирорта бинони ижара қилиб жанжал қиласай десам, туя йўқ, – дермиш... (Ҳазил)

Жиддийси, сезганингиздек, эҳтиёж ва жанр талаби. Якка ижро жойи, ҳатто сценарийда ёзилмайди. «Якка ижро – Оргик ва Зокир» деб кўйилади. Якка ижро мустақил ишланади ва ижро пайтида биз бир-биримизни, деярли томошабин билан баробар эшитамиз. Фикрмиз бўлса айтамиз.

«Кулги бор, кулирувчи йўқ».

Демак, асосий диққат сўзга қаратилади ва уни аниқ етказиши ҳақида ўйланади. Саҳнага нисбатан кўрсатувда режиссёрнинг юки оғирроқдек туюлади, назаримда. Телерadio шундай шафқатсиз қонунга курилганки, баъзан ижрочи қиласиган ё айтадиганини бир соат олдин олади. Ёнидаги шерикниям ҳозир кўриб турибди. Бу ўз ўрнида режиссёрга масслиз масъулият юклайди. Бундай вазиятда:

1. Ижрочини танлай билиш билан ютиш мумкин.

2. Ижрочида режиссёрлик қобилияти бўлсагина тез ва осон мақсадга эришиши мумкин. Телережиссёр, тасвирчи билан

кадр құяды: «мана шу ердан келасиз, мана бу ергача. Бир қадам четта боссанғыз, қадран чиқиб кетасиз» — дейди. Бу ёғи биз ва биздаги «режиссёр-қизиқчи»ға ҳавола.

ҚИЗИҚЧИ ИЖРОЧИ

«Қизиқчилік дор устида ўйнашдек гап». (Устозлар ўғитидан).

ҚИЗИҚЧИ БҮЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Мұхлис шогирд минг бор сүрайди ва мен ҳам минг хил жағоб бераман.

— Билимли бүлиш керак. Сеңгир ва ҳүшөр. Ҳис қилиш ва етказа билиш керак.

— Ихтирочи бүлиши керак.

— Ҳар қандай вазиятда қувноқ ва зүккө бүлиши керак.

Абдулла Орипов айтганидек:

Сүв келаётір, деди битта набирам

Сүя кетаётір деди бошқаси.

Мен улар фикриға бир сүз демадым,

Чүнки ҳақ әди-да, иккаласи ҳам.

«Пешонага ёзилған бүлиши керак», — дейди доно халқ. Назаримда, инсон қасбнимас, қасб инсонни таңлайды.

— Ҳаммаси Худодан, — дейди момолар.

Рахматли түқсан онам Ҳайтой ЗИЁ қизи. Катта Отамни Зиё амин деганлар. Ҳозиргача у кишини күрганлар ва эшиттанлар ҳайрат билан эслашади.

— Зиё песми? — Ҳикоя қиласы чол. — Мен ёш бола әдим, Иккита мұлтони йигит келди. Зиё амин менға топшириқ беріб, қишлоққа жұнатыб, мұлтониларни ёніга чақырди. Нима бұлғанини билмайман, қишлоқдан қулоқбошига келганимда, мұлтони йигит күп қатори ишларди. Атрофдагилар: Бу Зиё пес экан, мұлтонини ҳам ишлатди, дейнішарди.

Бобом атрофдаги етти маҳаллада мироб бўлиб, у киши ёпган қулоқдан сув сизиб ўтмас ва ҳеч ким тегинмас экан. Бобом ўтгач қишлоқ миробсиз ҳолди чўтим, минг йиллик қариндош икки қишлоқ – Вағашти ва Камангарон ҳалигача сув талашиб, келишолмайди.

Она бир ота бошқа жигарлари бўлган. Мурзабадал полвон деган. Кураш тушганлар. Мурзабадал полвоннинг қизи Бадал момомни эслайман. Чиқсан-санганни даволарди. Ва оламдан ўтаётуб, катта ўғли Курбон бобога қўл берган... Курбон бобо менинг отам. Хуллас, отам – Мурзобадал полвоннинг невараси.

Онам – Зиё аминнинг қизи.

Бобомни эслаганлар гапчил одам эди, дейишади. Отам ҳам ёшлигига санъаткор бўлишга ҳаракат қилиб кўрган экан. Қисқаси, бобом ва отам қалбидаги орзулар мен бўлиб ушалтан бўлса не ажаб?

Ҳеч нарса тасодиф эмас.

Демак бир фоиз бўлсаем қонда бўлиши керак экан-да. Ўшандা, 99 фоизи меҳнат сизни мэррага етказади...

Домла дарс вақтида бирор талаба берилган вазифани тўғри бажара олмаса, қўли билан хонада осигуриқ турган Константин Станиславскийнинг суратини кўрсатиб: «Биз педагогларнинг вазифамиз тушунтириш, тушунтириш, токи тушунгунча. Чунки у тушунса тўғри бажаради», – дердилар.

Ижрочи демак, биринчи наебатда тушуниб олиши керак.

«Санъат тасаввур ва фантазия маҳсули».

«Ҳамиша биринчи ва охирги марта ўйнаёттандек ижро этинг!»

«Сўз ва ҳаракат сақнада туғилсин».

Ривоят қилишларича, ислом динини тушуниб зътиқод қилиб, уни қабул қўлгувчилар пайрамбаримиз ҳузурига келар экан. Улардан бири Расули Акрамнинг душманларига учраб қолади. У тил билмаганлиги боис, булар «Пайгамбарнинг олдига боргандза чиройли қироат қилиш керак», – дея ўзларича Куръондан деб, роса қўпол ва ориятсиз сўзларни ёдлатадилар. Пайрамбаримиз ҳузурига ажнабий келиб, «Мен зътиқод билан ўргадим, эшитинг», – дея, ғанимлар ўргатган сўзишларни бошлабди. Саҳобалардан бири: «Аллоҳнинг расули, рухсат эт, уни тўхтатай?!», – деса, Пайгамбаримиз: «У нима

деётганини билмаяпти, лекин ҳолатига қаранг». – деги жавоб беридилар.

Ҳолат!

«Гап нима деялганингда эмас,
Гап уни қандай деялганингда».

Фикрни ифода этолмаслик – даҳшат!

Поездда машхур башоратчи билан бўлган сұббат:

– Агар мен қаёқча, нима учун кетаётганини тўғри топсангиз, 1000 доллар берамон.

Башоратчи унга тикилиб туриб дебди:

– Сиз банкрот бўлгансиз. Шу боис шерикларингизнинг алдига озгина пул ва мурлат сўрагани бораяпсиз.

– Мана 1000 доллар. Топишга тополмадингиз-ку, лекин фикрингиз маъқул бўлди, – дермиш.

Раҳматли устозим Рустам Ҳамроқуловнинг (ҳаётда у кишини кўриш насиб этмадио, оиласи ва фарзандлари билан дўстмиз) умр йўлдошлари бир суҳбатда:

– Болаларни кўп кузатардилар, шошиб турган бўлсаям тўхтаб, томоша қиласдилар, – дедилар.

Санъат институтида ҳам болалар олами ва ҳайвонот олами ўргатилиди. Сабаб – улар тўғри артистлик қиласдилар.

Болаларни ўйнаб турганда кузатинг. «Келин-күёв» ўйини... «Меҳмон-меҳмон» ўйини... Улар берилган шарт-шароитда дикъатлари тўплланган, мушаклар бўш, ҳаётий ва изчил, эркин ҳаракат қиласдилар, эркин фикрлайдилар.

Болалардан оддийлик ва табиийликни ўрганиш керак экан.

– Ҳайвонлардан-чи?

Ўзингизга мос ҳайвонни танлаб, унинг ҳаётий ҳақиқатига

мос бирор воқеа топиб, ҳайвон образини яратишга интилиш ва эришиш актёрнинг амтуласини, характерини аниқлади. Уни қанақантги ролларни ўйнай олишига, аввало ижрочининг ўзида ишонч уйғотади. Яъни тулкини ўйнаган – тулкита ўшаган, айниқуни ўйнаган – айиқсифат кишилар образини яратиши мумкинлигига ишонч уйғотади.

«Мантиқ бузилмаса кулги чиқмайди», – деган гап бор. Тўғри! Лекин мантиқ мантиқан бузилсагина! Бўлмаса бачканалик бўлиб қолади.

«Бачканалик – қизиқчиликтинг бир синоними», – деган

Эди бир сұхбатда устозимиз Мирза Холмедов.

Бачканалик нима?

— Үзига ярашмаган қилиқни қылыш ёки гап айтиш.

Саңнада сұқиниш бачканаликми?

Жақон саңнасида юзлаб мисоллар бор: Сұқинилган Демак ноүрін сұқиниш бачканалик экан-да.

«Актёр айтмоқчи бұлған фикрини танаси билан ифода этади ва тана фикрини ифода этишга ожизлик қылғандағина сүз ишлатади», — дейилларди. Энди бошқа сүз топилмаса қиійин-да.

Драмада «тана ифода этолмаса, сүз ишлатилади», — дейиллган. Бизда «сүз ифода этолмаса, тана ишлатилади».

Магазин директори сотуучиларға:

— Айниұса чет залдан желгәнларға «йүқ» деманглар, — деб тайинлабди.

Сотуучига чет әллік яқынлашади:

— Күлқол керак эди?

— Кече бор эди-я! Эртага бұлади, — депти. Эртагача кетіб қалса керак, деб ўйлаган экан, кетмапты. Яна келибди:

— Ака құлқоп сүровдим.

— Сизге қанақаси керак?

— Қора.

— Кече бор эдіку, қора. Айттайсизми. Эртага келади.

Эртасига яна келипти.

— Ака, құлқоп дөвдим.

— Нима билан киясіз?

— Плаш билан.

— Плашни олиб келинг, рангига қараб танлаймиз, — деб түрсса, гапта бошқа бир сайдың аралашыбди:

— Ишонманг буларнинг гапига мен ҳам уч марта унитазни олиб келдім, тұрт марта шимимни ечіб күрсатдым, ҳалигача туалет қоғози топиб беришгани йүқ, — дермиси.

“Ижрочи күзидаги бир сониялық ёлғон..” Агар бир сония, ундан бир бұлагыча вақт күзингизде ёлғон күрса... томошабин ишонмайды. Томошаның сөхри Йұқолади”.

Күпинча кұрамиз образға кириб гапни айтадыла, яна образдан чиқиб тураверади... Ҳаваскор ва устанинг фарқы шу ерде сезилади.

Концерт дастурига бола «мемон-чеңмон» ўйнагандек,

ишониб, тушуниб яшаш керак. Драмада – томошабин, эстрадада – сұхбатдош. Эстрада, шу соңа билимдонлари айттандаридек:

«Журналистикаға яқын...»

Демак, эстрада ижрочиси – актёр ва журналист ўртасыда бўлиши керак. Ижро, дейлик актёрдек, сўз – журналистдек. Мавзу жиҳатдан ҳам худди газетадагидек тезкор, замонавий, долзарб... Ижродаям журналистик услуб. Хуллас, томошабин – партнёр, шерик. Сиз таклиф қилган ўйинингизга томошабин бирга ўйнайди.

Масалан: (биз ўйиннинг шартларини айтиб боштаяпмиз).

ОРТИҚ: Зокиржон, келинг бир асия қиласиз?

ЗОКИР: Асия осон бўлтими? Кейин уни кўп жойда тушунишмайди, ўзи гапириб ўзи кулади, деб.

ОРТИҚ: Бу ерда ўтирганлар тушунади. Демак зални иккига бўласиз. Бу ёғи менинг командам. У ёғи сизниги

ЗОКИР: Хуллас, (томушабинга) Менинг командам, буянинг гапига кулмайсизлар. Ё кулинглар, фақат устидан...

Журналистикаға яқын дедик...

Концерт туман байрами... Чиқишингиздан бир-неча минут олдин тўрт вароқ нарсани бериб, илтимос қўшиб кетинг, дейишиади. Бир марта ўқиб улгирмай, навбат келиб қолади. Сиз илтимосни моҳирона бажара билишингиз керак. Бир дақиқада томошабин ичиди ўтирганни шляпасини олиб, хўжалик раиси образига ёки тумандан келган текширувчига айланишингиз ва тезда илтимосни бажариб, яна ўз ишингизни давом эттириб кетаверишингиз керак.

Драмада бир ярим соат давомида 10 қаҳрамони бор асарни ўн ижрочи (қаҳрамон) намойиш этса, эстрадада бир ярим соат давомида 10 қаҳрамони бор асарни бир ўзинт ўйнашинг керак. Янам аниқраги, 10 қаҳрамони бор асарни, бир ўзинг, бир неча минутдаги ижрога сидириб, ижро этмоғинг керак. Кисқалик на аниқлик.

Мен ҳаётимда ўрнимдан туриб, ойнага қараб, репитиция қитмаганман. Ёнбошлиб оламанда, сўз устида ишлайман. Ҳар бир жумлани аниқ тушунаман, фикрни тушунаман, айтилишини, баъзан сўзларини алмаштираман. Мақсад – аниқ етиб борсин.

– Битта яхши қўшиқ қилишим керак. Музикаси...

Сўз ҳақида ўйламайди.

— Сўзи-чи? — десам.

— Сўзини фалон пулга ёзиб беришади.

Санъатни, имкониятини қаранг: пулга ҳофизга, баъзан ҳатто мухлисгаям маңзур бўладиган сўз топилади.

Замонавий эстрада хонандаси учун шеър: «Кўзларим йўлингда» - 52 марта, «Кўлларим белингда» - 73 марта (ҳазира).

— Сўзи-чи, мен оддий мухлисман, кўшиқка кўп қатори тушунаман. Мен мусиқадаги қочиримниям, ноланиям кўп қатори тушунаман... Мен оддий мухлисман ва мен учун сўз муҳим. Кўшиқдаги сўзга мухлисман. Баъзан кўшиқчилар 5 дақиқа шовқин қилиб, чиқиб кетишади... Буям санъат.

«Емади»... «Хайрият еди»... Актёр томошабин дикқатини тўпламай гапни бошламаслиги керак. Дикқат тўпласин деб кутиб ҳам турмаслик лозим. Актёр саҳнага чиққач, албатта, жуда тез томошабин дикқатини тўплаб олиши керак.

Демак, ҳар бир ижроцида «дикқат тўплаш» усули бўлиши керак.

«Емади...» ўзимизни йўқотиб кўямиз... Кисқартираман ёки бошка нарса айтгаман ва ҳоказо. Хуллас чалғийман.

Маслаҳатимиз, устозлар вайтганидек: «Куладими, йўқми, ҳар галгидек ижро этавериш керак».

ГАП СЎНГИДА...

Худо бераман деса, “Кимнинг ўғли, қаердан?” деб сўраб ўтирумайди. “Ҳар йигитта уч марта берали”, дейишади. Ҳақиқатан, сезсангиз нима касб қилманг беради... Гап эпладида!

Санъаткоргаям беради. Эътибор беринг, интилганга учтўртта қўшиқ беради... Баъзан ҳалқ назарига тушади. Эпласа интилиб яна топади. Бергани асли шу. Эплаб кетиш баҳтини бермаса қийин... Мана, тўрт қирра бўлиши керак, — дедик.

Бўлмаса-чи?

Ўзбек кулгисининг экрандаги асосчиларидан бири Элбек Мусаев билан сұхбатлашаштмиз:

Мен: — Миниатюралар театрининг илгариги шашти йўқ. Агар ҳозир си юни чақиришиб, шуни бир аввалгидек қилиб

беринг, дейишиш...

Элбек ака! – Қийин. Ансамбл қилиш керак!

Лекин бор ўша ансамбл! Қизиқчи муаллифлар – Элбек Мусаев, Анвар Обиджон, Немат Аминов ва ҳоказо.

Кизиқчи режиссёр ва ижрочилар – Эргаш Каримов, Обид Асомов ва ҳоказо.

Демак, ушбу ижодий қирралар бўлмаганлар атрофида ижодкорларни тўплаб, ансамбл қилиш керак.

Демак, яна иккита қўшимча:

Қизиқчи – тадбиркор ва Қизиқчи бизнесмен.

Яъни беш-олтига одамнинг бошини бириктирдингми, уларни қўпол қўяшиб айтганда – бокишинг керак. Демак, тадбиркор.

Тайёrlанган дастурни сота билиш керак. Деҳқон бозорда, ижодкор саҳнада. Деҳқон экиб-терганидан бола-чаҳа боядди. Сиз яратган ижодингиз билан “Бир нарсадан кечмасант бир нарсага эришолмайсан”, дейишиди.

Маблагни толиб, тўғри сарфлаб фойда билан чиқиш. Демак, бизнесмен.

Албатта, айтилаёттани ҳар бир гап, чексиз меҳнатлар ҳосили. Энг қийини, сен ўзингда шу кучни топишинг. “Сендан харакат, мендан баракат”, деган.

Китобнинг сўнгги қаторларини ёзар эканман, барibir ичимдагини айттолмагандек бўлавердим. Балки шундай тюлар, балким қаламкашлик тажрибаси камлигидандир. Ҳамма нарсаниям хоҳлаганингдек етказиб ёзиш қийин экан. Кўпинча бир фикрни аниқ илғаш учун ўнлаб китоблар варақланади. Бир фикрни аниқ айтиш учун, демак бир китоб камлик қиласр экан.. Биз яна ёзамиш, Худо хоҳласа! Нима дедингиз, устоз?!

2001–2003 шилдәр

**БИЗ ЭФИРДАМIZ
“ХАНДАЛАК” ХАҚИДА**

Талабалик давримизда телевизион минатюралар театрига қатнашиб юрардик.... Эргаш Каримов, Эргаш Раимов, Эргаш Султонов... бахтни қарант, уч Эргашга эргашшык.

Улар ижодимизни охиригача дикъкат билан күришиб, маслаҳат беришарди, биз яна ижод қиласырдик. Бу соҳа, бу иш мени үз сөхрига олди. Видоятимизда эңдигина шаклланган СТВ – Самарқанд телевидениесида (театрнинг деярли репертуардаги барча спектаклда роллар, «Файра-ғайра» туруғынинг вилоят бўйлаб концертларидан бўш вақт топиб) ижод қила бошладик.

- «Бир кун·бир ойда» 1992 – 1993.
- «Бир гапим бор·уч тилло» 1995.
- «Аралаш·шоу» 1996.
- «Шунчаки ҳазил» 1997.
- «Яхши кайфият» 1996 йил.
- «Хандалак» (1999 йил) вилоятдаги сўнгти кашфиётимиз эди! Дўстларимиз – устозларимиз кўмагида у янада бойийди ва такомиллашали.



48. ҚИЗИҚЧИ ИЖРОЧИ

Актёр ўз кўзини тўғри грим қила билиши керак. Бунинг ягона йўли, қалбдан ҳис эта билиш. Яъни томошабин қаҳрамонга ҳурмат кўзи билан қарайдими ё нафрат кўзи билан?

Певцов

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ 2000 ЙИЛ КЎРСАТУВЛАРИГА

ШАПКА

МУСИҚА

ТИТР: **«ҲАНДАЛАК»**

/ Қисқартирилган ҳолатда/

Ургут тумани маркази.

Ортиқ ва Зокир.

ЗОКИР: Ҳа... Энди Ургутда ўзимиз меҳмон, ўзимиз мезбон.

ОРТИҚ: Ҳуллас, ҳақ берадиган одам йўқ.

ЗОКИР: Нега энди, мана мен Ҳақбердиев. Нима сийсиз, ош-паловми ё кабоб?

ОРТИҚ: Шашлик пишгунча ош еб турайлик.

(кулги)

Чойхонага киришади. Уларга б-8 ёш чамаси ёш йигитча яқинлашади.

ЕШ ЙИГИТ: Келинглар мәхмөнлар.

ЗОКИР: А?! бу хизмат қилиштага дурустроқ одам йүқмикин?

ОРТИҚ: Бу ерда ўтирганларам, менам ҳинд киносининг муҳлислари, индийский бўлсин.

ЗОКИР: Хўл.

Пярики бандикия.

Пярики зиндикия.

Сундал, сундал...

ОРТИҚ: Кечирасиз, бу сандал деганингиз оек тиқадиган сандалми?

ЗОКИР: Сундал, бу қиз боланинг исми.

ОРТИҚ: А, давом этинг.

ЗОКИР: Сундал (хўзи олазарак бўлиб). Ё бошқасини ўқиб берайми?

ОРТИҚ: Ҳаммага маъқул бўляпти, шуни ўқинг.

ЗОКИР: Бу тутади.

ОРТИҚ: Бир бўладигани борми, йўқми?

ЗОКИР: Бор.

ОРТИҚ: Ўқинг-е, одамни хуноб қилдингиз-е тоза.

ЗОКИР: Бу кругларга тўғри келмайди-да.

ОРТИҚ: Йўғ-е, нимаси тўғри келмайди?

ЗОКИР: Пирямой ёзилганда бу.

ОРТИҚ: Ўқийверинг нима экан депман.

ЗОКИР: Бу багишлов.

ОРТИҚ: Ҳа-ха.

ЗОКИР: Янги йилда болалар панқиллоқ отишади-ю, ҳар йили байрамда мени мана шу еримга келган (кўли билан бўйинини кўрсатиб). Шоир сифатида мана шу еримга келган (бошини кўрсатади).

ОРТИҚ: Ҳамманинг жонига теккан тўғрими? Битта воеа

эсимга тушиб кетди. Буларга айтиб берай.

Күшнимизнинг келини, ҳалиги тарвуз юттиң экан.

ЗОКИР: Ҳомиладор экан.

ОРТИҚ: Ҳа шундоқ эшикдан кираётган экан, оғининг тагига ташаворишиган, бант, этиб кетса, бечора кўрқанидан досрочний роддомга жўнаворди.

ЗОКИР: Кўшнингизнинг келини эканку, ҳали сал бўлмаса ман кетиб қолувадим.

ОРТИҚ: Роддомгами?

ЗОКИР: Ҳа.

ОРТИҚ: Ҳа-ҳа-ҳа (кулади).

ЗОКИР: Ие, хаёл суреб кетаётган эканман, оёғимнинг тагига биттасини панқиллатиб юборди. Кўрқанимдан югуриб кетдим, ярим йўлга бориб, эркаклигим эсимга тушиб кетди, кейин қайтиб келдим.

ОРТИҚ (кулади): Ҳа, шеърни эшитайликчи?

ЗОКИР: Шеър мана шу пангқиллоқни ишлаб чиқарган ўша абллаҳга бағишлиов.

ОРТИҚ: Марҳамат.

ЗОКИР: «Абллаҳнома» дейилсаям бўлаверади.

Ай сени знантни!

ОРТИҚ: Стоп, стоп, стоп. Кечирасизлар, шоир бир оз қизишиб кетдилар, узр.

ЗОКИР: Ё, мен қизиштаним йўқ, сизга айтдим-ку боя, шеър прямой ёзилган деб. Юракдан қандай тўкилган бўлса, шундай ёзганман. Қоғоз кўтара олмаган, куйиб кетган.

ОРТИҚ: Прямой бўлсаям, келиштириб ўқингда буни.

ЗОКИР: Бўлти, бўлмаса бошқа ўқиб бера қолай?

ОРТИҚ: Ё энди шуни ўқинт. Менга қаранг, ўша прямой жойларига «най-най» деб кетаверинг, булар тушунмай қолади.

ЗОКИР: Ўраш керак.

ОРТИҚ: Ў-ра-нг.

ЗОКИР: Шуни сўранг, э муни қаранг.

ОРТИҚ: (кулиб) Кофияни қаранг?!

ЗОКИР: Эй сени най-най,

Нана най нанай,
Най-най нанай
Хей нанай, нанай,
Яна юборсанг най-най нанай(лазги услубида).
Хе найай най, нана най-най
Нана най най нанай.

Бу шеърим аллақачон құшиқ бүп кеттән.

ОРТИҚ: Ҳа.

ЗОКИР: Ҳамма айтиб юрибди ҳозир.

ОРТИҚ: Ҳа.

ЗОКИР: Буни охирі даңшат чиққан-да.

Агар яна юборсанг
Нанай най най
Хе нанай... Қандай?!

ОРТИҚ (кулиб): А бу шеър эмас мина майдони бўлиб
кетибди-ку.

ЗОКИР: Нимага?

ОРТИҚ: Оёқ төккан жой портлаб кетяпти (кулади).

ЗОКИР: Ҳа энди, пангқиллоққа бағишлиланган шеърда бу,
портлатади-да. Келинг құшиқ айтамиз.

ОРТИҚ: Қайси құшиқни айтишни.

ЗОКИР: Қайси құшиқни айтишни ўйлаб нима қиласмиз,
үзи битта құшиқ биламизку?

ОРТИҚ: Ҳа-ҳа, ўшани айтамизда. (иккови) Музика
кетдик.

Ходит парень по бульвару,
Ходит, улыбается.
Оказалось, зубы вставил -
Рот не закрывается.

ЗОКИР: Бир бодича йигитни,
Оғзи ёпилмас экан,
Суриштириб билсам
Тила тиш қўйган экан.
Ҳасса-ҳасса,
Ҳасса-ҳасса, ҳасас-са...



777.

КИМОБТА СИГМАТАН ФИКРЛАР

- Ақали ва дононинг фарқи нимада? — деб сўрашибди.
- Ақали ҳар қандай вазиятдан йўл топиб чиқиб кетади.
- Доно-чи?
- Доно унақанги вазиятга тушмайди.

15. МЕҢ ҮНДАЙ ДЕТАНИМ ИҼК

- Сиз нега айнан 21 март куни туғилдингиз?

(Бир интервьюдан)

“Мен ундай демоқчи эмас эдим!”

Санъаткор ижодкорлар даврасида эшитиб қоламиш.

Суҳбатдош мухбирни кузатаман. У мени эшитар, ҳаммасини тушуниб борар, тушунмаса сўпар ва ёзib бораради. Мақола чиқади. Нотаниш фикрлар...

Сабаби — дафтарча. Ахир у қисқартириб ёзив олди-ку.

Масалан, мен «санъатни тушунишга ҳаракат қиласман». — десам. У дафтарчасига: «у. сан. тушун. ҳар. қил.» — деб қисқартириб ёзади. Кейин у ҳамма фикрни эслаб қололмайди-ю, ёзаётганда ўзича жумла қиласди: «Ўзбек санъати тушунчаси...» Аммо суҳбатдош мухбир ижодингизни ҳақиқий кузатиб,

қизиқиб келаёттан бўлса у сизни тушунади. Атбатта кўнгилдагидек натижага эришилади.

Маслакдош дўстимиз Нусрат Бобоев бизни билган ва ҳамиша ижодимизга холис чизгилар бериб, ёзиб келаёттан ижодкор укаларимиздан.

У билан бўлган сұхбатимиз, тўғрироғи, уни – мен билан бўлган сұхбати ён-атроф фикрларга, ватан бўлади, деган баҳонада қўйида ўрин олди.

ҚҰЛГИ ЙҰЛДИНА ҲАЛАК МУҚАДДИМА

Сұхбат, интервью – публицистиканинг энг мураккаб жанрларидан, аслида. Матбуотимиз саҳифаларида учраб турдиган ўта саёс “сұхбат”лар бу жанрнинг жўнлашишига ва Қадрининг тушишига сабаб бўлолтмайди. Ва, айта оламанки, шу пайтгача зълон қилинган сұхбат, интервьюларим – ижод намуналарим ичida энт саралари эди.. Ортиқ Султоновнинг китобидан ўрин оладиган ёзувларим эса, бошқачароқ шаклда бўлишини хоҳлардим. Қайси шаклда бўлишидан қатъи назар асосий манба – у билан олиб борадиган ҳар кунги сұхбатларим.

“Инсон ҳамиша қувнаб юриши керак. Агар у қувончини йўқотиб қўйса, қаерда ҳатоликка йўл қўйганини англаб етишга ҳаракат қилмоғи лозим бўлади”. Бу ўтган буюклардан бирининг гали. Аслида, кулгига, ҳазилга мөйнлиллик ҳар биримизда бор. Фақат уни ҳар ким турлича қабул қиласди. Ҳатто жиддийликда донг таратган кишилар ҳам, масалан, латифа эшитганида, ҳажния ўқитганида, комедик фильм томоша қилганида ёки асқия тинглаганида ҳеч курса мийигида жилмайиб қўяди. Одамларни қаҳ-қаҳ уриб кулишга “мажбур қиладиган”, уларни минг дарднинг давоси бўлган кулги билан шифоланишига ундейлигиган кишиларни биз қизиқчи деб атаймиз. Уларга кўзимиз тушиши билан юзимизга табассум югуради. Беихтиёр кула бошлаймиз. Аслида-чи?! Аслида улар (айнан қизиқчилар) бу қадар кулгили эмас. Саҳнадаги гаплари, саҳнадаги ҳатти-ҳаракатлари қултили. Уларнинг тоғ самимий, тоғ беозор, тоғида аччиқ кулгилари ортида кўпинча жиддийлик, фалсафийлик яширингиган бўлади. Бу – одамларни фал-сафийликка чорлаш

фалсафаси. Бу дунёни мукаммал кўриш истаги.

Қизиқчиликнинг қадри ҳам шундадир, эҳтимол...

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

1997 йил эди, шекилли. Самарқанд давлат университетининг Ўзбек филологияси ва Журналистика факультетида ўқирдим. Курсдош дўстлар билан Самарқанд шаҳридаги ҳарбий зобитлар саройига – қизиқчилар концертига борадиган бўлдик. Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевларни илк бор ана шунда кўргандим. Кулги санъати улар талқинида мени лол қолдирди.

Ўша куни ўзим учун катта бир янгилик кашф этгандек кувондим. Ва... Ортиқ – Зокирнинг мұхлисига, улар ижодининг тадқиқотчисига айландим.

БОЛАЛИК

Ургутда Қингир деган мўъжазгина қишлоқ бор. Одамлари қингирлик нималигини билмайдиган, содда, самимий, хушчақчақ. Ҳазилни, кулгини яхши кўришади. Ривоят қилишларича, қишлоқ ўрнида бир замонлар ястаниб ётган кенг қир-адирлар мавжуд бўлган экан. Қишлоқ номи ҳам аввалида "Кенг қир"дек аталиб, кейинчалик шу ерда истиқомат қилувчи аҳоли тилида "Қингир"га айланиб кетган экан. Ҳозир ҳам баҳаво, табиати гўзал жойлар... Қаҳрамонимиз шу қишлоқда туғилиб ўғсан. Бутун қишлоқ аҳли у билан "ўзимиздан чиқкан санъаткор" деб фахрланади.

Ортиқ Султоновнинг болалиги кўпроқ кўчада, ота-она бағридан узоқда ўтди. Олти ойлигина бошидан кечирган шамоллаш асорати 18 ёшигача чўзилди. Демакки, шу ёшигача шифокорлар назоратида бўлди.

Қолганини қаҳрамонимизнинг ўзидан эшигинг:

– Менинг болалигим бошқа болаларни кидан шуниси билан фарқ қиласи, мен ўрта маълумотни 5-6 та мактабда ўқиганман. Қайси мақтабга бормайин, албатта, синф сардори этиб тайинлашарди. Унчалик ёмон ўқимаганман. Фақат бир марта, география фанидан "3" баҳо олганим эсимда...

ОЛИЙ ДАРГОХ

Тошкент давлат Санъат институти (собиқ театр ва рассомлик институти) бугун эл назаридан бўлган санъаткорларимиз учун олий ва муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Чунки улардаги профессионал билим, кўнигма ва маҳорат айнан шу ерда шаклланган.

Институт Ортиқ Султонов учун телевидениега, телеминиатюралар театрига ва бошқа катта саҳналарга йўл очди. Шу ерда у ўзининг ижод йўлидаги доимий ҳамроҳини топди: Зокир Очилдиев билан танишди.

— Кириш имтиҳони олдидан домлалардан биридан маслаҳат олиш ниятида бир бўш хонага кириб, кутадиган бўлдик. Ўша хонада, қарасам, қалин тўшама устида бирор дам олиб ётган экан. Танишдик: Зокир - Ортиқ

ИЖОД САРИ ОЛГА

Талабаликнинг олттин дамлари ортда қолди. Энди ижодий парвозларга шайланмоқ керак.

Ортиқ Султонов ва бир гурӯҳ тенгдош-курсдошларим йўлланма билан Самарқанд театрига ишга жўнатиши. Ўнанда Самарқанддаги опера ва драма театри бирлаштирилиб, мусиқали драма театри эндиғина фаолият кўрсата бошланган пайтлар эди. Театр янги актёrlарни хушнудлик билан кутиб олди. Чунки актёrlар етишмасди. Қаҳрамонларимиз асосий ролларни ижро эта бошладилар. Ҳаммаси яхши фақат битта муаммо — Ортиқ Зокирлар Самарқандда, оила, бола-чақалари эса қишлоқда. Худдики, талабалар ҳёти. Театрлар хуввиллаб қолган пайтлар ёдингиzlадир? Бу ҳолат Самарқандни ҳам четлаб ўтмади. Шундай ҳам бўлардикси, катта-катта ташкилотлар жамоавий томоша қилиб кетиш учун театрга пул ўтказишар, лекин спектакл қўйиладиган куни... ҳеч ким келмасди. Бўмбўш залнинг ўзига томоша қўйиб бермайсиз-ку!

Актёrlарнинг ҳам жони темирдан эмас.

Зокир Очилдиев эсадаликларидан: “Онам менингт келажагимдан хавотирлантсанлар. Шу ишингни қўя қол, болам, қишлоқда келиб, бошқа иш топсанг бўлмайдими,— дер эдилар баъзан. — Театрда оладиган ойлитигим ўзимдан ортмасди. Охири

ҳаммасига құл силтаб, қишлоққа кетвормоқчи бўлиб турган кунларим ёш ижодкорларга вилоят марказидан уй бериб қолиши. Шу жумладан менинг ҳам. Агар шу уйни беришлари 1-2 ҳафта кечикканида, балки санъатдан бутунлай узоқлашиб кеттап бўлардим... Кейин кўнглимда умид пайдо бўлди ва Қийинчиликларга чидашим, фақат олдинга интилишим лозимлитетини тушуниб етдим..."

Кейинги фаолият вилоят телевидениесида давом этди. Қолаверса, ўзлари тузган "Файра-ғайра" театри билан туманларда, вилоятларда, қишлоқларда, турли ташкилотларда концертлар қўйиши. Концертлардан тушган пуллар эса Тошкент ва Самарқанд оралиғида сарф бўларди. Ўз ижод намуналари бутун мамлакат аҳлига ҳавола этиш истаги, уларни ҳар-икки уч ойда республика телевидениесига етакларди. Шу тариқа ҳаш-паш дегунча етти йил ўтиб кетди. Бу орада улар республика қизиқчи ва асқиячилари қўрик танловида иштирок этиш ва унинг голиби бўлишга ҳам муваффақ бўлдилар.

Бугун қаҳрамонларимиз тиҳилинч поездларда Тошкентта келган ҳисобсиз сафарлари ҳақида кулиб эслашади...

25. БУ САҲИФА НЕТА ЁЗИЛДИ?

— Айтмайсан? Унда қарытмайман!
— Айтмайман-ку, Ҳа-йт-бой-ман!!!
(Ламифадан).

— Илм истаб бедор ўтган түннинг савоби қирқ йил ўқган намоз савоби билан тент,— дердилар бобом бизга уқтириб. — Охират ҳақида қариганда ўйлаш бефойда. Ёшлидан ҳаракат қилинглар,— дердилар

Кимгadir нафи тегар деган фикримизга маслакдош, шерик топилиши, бу — омад!

Саҳифамиз меҳмони — Ҳайитбой ака.

«Ким экан у?» — деган савол келди кўнглингизга, топдим, а?

Гап эга-кесими билан деганларидек, яна бир иқтидорли ижодкор укамиз Мақсұд Жонихондан Ҳайитбой аканинг ҳасти ва фаолияти ҳақида ёзис беришни сұрадим. Сүнтра мен у кишидан эшиттан ҳангомалардан айтib бераман.

Ортиқ ака шундай деганларидан сұнг, қаердасиз Ҳайитбой ака, дея водийга йұл олдим. Ангреннинг ўнқири-чүнқири йұллари-ю, довоннинг машаққатлы айланмалари ҳар қандай йұловчини ззис таштайди. Аммо бу азоблар енгіл машинада билинмайды. Айниқса машина жонивор «Нексия» бұлса. Қарангки, «Нексия» машинаси ҳам Андіжондан чиқадыда, шу боис ғилдираклар водий томонға ўқдек учди ва Бобур Мирзо юргига тезда етиб бордим.

Излаб бораётган кишимни Андіжоннинг шундоқ кираверишидаги Чинобод посёлкасида жойлашған фабрикадан топасиз, дейишиганди. Ҳудли шу манзилга бордим. Ака билан учрашишдан олдин эса, шу атрофдаги кишилардан у киши ҳақида сұраганимда қўйидаги маълумотта эга бўлдим. Ҳайитбой ака 1951 йилда Андіжон вилоятининг Избоскан туманинда қишлоқлардан бирида таваллуд топған. Мактаб, кейин Олийгоҳни битиргач, турли йиллар давомида фабрика ва корхоналарда ҳар хил лавозимларда ишлаган. Уннинг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Шунинг учун бўлса керак, ён-атрофдаги кишиларнинг билдириган ишончлари боис, Андіжон вилоятидаги енгіл саноат корхоналари директорлар кенгаши раиси муовинлигига Ҳайитбой акани лойиқ кўришади. 1994 йилдан эса Балиқчи туманинда «Чинобод» посёлкасида жойлашған иш йигириув ва тўқув фабрикасида директор лавозимида иш бошлади. 1997 йилдан эса мазкур корхона базасида Алишер Навоий номидаги кўшма корхона вужудга келди (АҚШнинг Марказий Осиёдаги тадбиркорларни кўллаб-куватлаш фонди билан ҳамкорликда). Ҳозир бу ерда 1200 та ишчи бўлиб, уч сменада ишлашаркан..

Хуллас Ҳайитбой аканинг саъй-харакатлари билан амалга оширилаёттан ишларни, бу борада эришилаёттан ютуқларни санаған билан адогига стиш қийин. Чунки ишбилармон одамни уйқу пайтида ҳам омад тарк этмайди, деганларидек Ҳайитбой акамизнинг ҳам ҳар бир босстан қадами яратув-

чанлика, эзгуликка йүгрилган.

Гапнинг очиги, бу инсон ҳақида илгари күп кишилардан эшиттандим, аммо барибир минг марта эшиттандан күра бир бора күрган афзаллиги бу тал ҳам исботланди. У кишининг ишхоналарига етиб боргунга қадар хаёлимда минг хил ўй-хаёл чарх ураг, қандоқ бўларкан, сұхбатни нимадан бошлайман, дега иксиланишда эдим. Ўйчи ўйига етгунча таваккалчи кўзланган манзилга етиби. Мен таваккалчи бўлмасамда, ўйлай-ўйлай Ҳайитбой аканинг ишхонаси олдига етиб бордим. Тушлик маҳали эди. Демак тушликдан кейин қабул қиласи, деган фикрга келдим. Бироқ бу фикр иморатини корхона дарвозаси олдида турадиган милиционер Йигитнинг гали Йикитти: «Киаркансиз», — деди у. Ичкарига қадам босдим. Ваҳ, ана мўъжиза. Шу пайтгача бундай муҳташам корхона биносини кўрмагандим. Баҳри дилим очилди. Йўлаклар чиннидек ярақтайди, ранг-баранг гуллар, баланд ва гўзал фаввора ён-атроф кўркига кўрк қўшиб турди. Шундан ҳам билиш мумкин эдик, бу ташкилотнинг раҳбарида нозик дид эканлитини.

Ҳайитбой ака барваста, қадди-қомати келишган, салобатли киши экан. Сурашдик. Тушликка таклиф этдилар. Қорин ғами аригач, муддаога ўтдик.

Маълум бўлишича, Ҳайитбой ака янга билан бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказишибди, иккаласи ҳам ўқимишли, олий маълумотли экан. Айни пайтда Йигит уйланган, қиз ҳам турмушга чиққан. Кудалар тагли-тутли зотлардан бўлиб, обрў-эътибори, эл орасидаги нуфузи ҳавас қилгулик даражада экан.

— Яратганинг ўзига шукур, қисматимдан нолимайман,— дейди Ҳайитбой ака. — Фарзандларим ақлли-ҳушили бўлиб ўсиши. Тенг-тенгига узатдик. Кудаларим одамнинг жону дили. Мен сизга айтсам, одамнинг феъл-атвори қанақа бўлса, ён-веридаги кишилар ҳам шунақа бўлишади. Ўзим яхши кўрган, ишониш мумкин бўлган ўнга ошнам бор. Улар билан тез-тез учрашиб турамиз. Ҳангомалашиб турамиз. Кўшиқ, асқиялар айтишиб, яраймиз.

— Эшитишимча, санъат шайдоси экансиз?

— Биласизми, ҳақиқий санъат ҳар қандай кишини мафтун этади. Шундай экан, чин дилдан айтилган қўшиқни,

самими кулгини ҳар қанча қадрласа арзиди. Айниңса кулги-жазилга ўчман, қизиқчиларимизнинг ижодини кузатиб бораман. Бошқа қизиқчиларни камситмаган ҳолда айтмоқчиманки, кейинги пайтларда «Хандалак» ижодкорлари мухлислар күнглидаги гапни топиб айтмоқда. Уларнинг энг катта ютуғи бу – жайдарилик, түпорилик. Ҳаммамизнинг ҳаётимизда учрайдиган, аммо ҳар ким ҳам эътибор бермайдиган жиҳатларни кўрсата билишини була маромига етказиб ижро этишмокда. Ортиқ ва Зокирнинг бир-бири билан мана шундай бамаслаҳат ижод қилишлари ҳаммага маъқул бўлаётir.

Ҳайитбой ака билан узоқ сұхбатлашдик. Сұхбат чоғида у кишининг дунё кўрган одам эканлиги гап-сўзларидан шундок билиниб туарди. Энг қизиги, Ҳайитбой акада камдан-кам раҳбарларда учрайдиган самимилик бор экан. Зинҳорбазинҳор мен ундейман, бундайман демас экан, бу инсон. Ҳуллас камина Андижондан ана шундай инсон билан танишиб қайттанимга ҳеч ҳам афсусланмайман. Зеро дилкаш кишилар ҳар бир инсон каби менонг-да жону дилим. Даръоқе, Ҳайитбой ака қўлингиздаги китобнинг дунё юзини кўришига моддий ва маънавий жиҳатдан анча кўмак бердилар. Демак кўринадики, у киши фақаттина санъат шайдоси бўлибгина Қолмасдан, уларни қўллаб-куватлашда ҳам ҳимматини аямайдиганлар хилидан экан. Нима ҳам дердик, шундай одамлар доим бор бўлсин-да ишқилиб!

*Мақсад ЖОНИХОНОВ,
Ташкент-Андижон-Ташкент. 2003 йыл*

...Донодан сўрадилар:

- У билса сенча билар, уни ҳамма билади, сени йўқ?
- Тўғри, – деди доно. – Мен билиш учун ўқидим, у билиниш учун!

Ҳаётда биъдан-да кулгилироқ одамлар бор.

Бизни у ер-бу ерда машинасида олиб юрадиган Рустам ака деган шофёр акамиз бор. Куринишидан рус, татар, немис ... фақат ўзбек ёки қозоқ эмас. Инсон сифатида беш плюс. Бирор ношукурчиликдан гапирса:

- Кўп қилдук, – дейдилар Тошкентча оҳангда. – Чоч

түқилди, шох чиқмади.

Жумланинг оддий, бадиий ва табиийлигига қаранг.

Кишлоқ томонда Райим деган ака бор.

— Мәжмонга уч киши келамиз. Мен, ўзим на Райимниям олиб келамиз,— дейди.

Хазилнинг қурилишини қаранг.

— Отахон, болалардан нечта?

— Беш-олтитаси дада деб юради, янаям ойиси билалида,
— кулади.

Мъносиини қаранг.

Катта акам тайёр афанди.

Бозордан мол олиб, кейинги бозор сотиб, тирикчилик қилиб юради. Бир сағар олган молини сотолмабди-да, шериги билан молни бўяб, сотибди...

Воқеага қаранг.

Хуллас, бу халқ ижоди. Халқимиз ижодкор халқ, билиш учун ҳам, билиниш учун ҳам имконият, кўмак беради.

Мен саноқсиз муҳлислар меҳридан ана шу имконият ва кўмакни қидириб яшайман.

Баҳор... Наврӯз юртимизни көзлиб юрибди. Тадбир баҳона Андижонга, Балиқчидаги фабрикага бордик. Биз ўтирган хонага бир гурӯҳ маҳаллий санъаткорлар келиб қўшилди. Улар орасида ёши 50 атрофидаги бир киши диққатимизни тортиди. Тўғриси, уни Абдулла Қодирин асосида яратилган «Зулматни тарқ этиб» фильмидаги Худоёрхон образини яратган актёр деб ўйлабмиз. Кейин билсақ, бу инсон шу ташкилот раҳбари Ҳайитбой ака экан... Латифа айттар, ўзи маза қилиб кулар... атрофдагилар сұхбатдан завқланиб ўтирад... мириқар, ҳатто ўргага сўз қўшимасди.

Ҳайитбой акани оддий ва қизиқарли тапира олишини «ўрганиш» керак, деган фикр келди хвёлга.

Ундан кейин биз яна бир-икки учрашник.

— Авазбек Маҳмудов ЛОРда ётганмиш,— дейди болаларча мағрурланиб.

— Ий-я, тинчликми,— сўрайди Зокир.

— Кече түргта құшиқ айтишувдик. Ҳам томоги, ҳам қулогимиш. Борғанларга «иккінчи Ҳайтбай акани ёнида құшиқ айтмайман, бақыраверіб қулоқнинг пардасини йиртиб юборипті», дегепти,— күлдик. — Құшиқни юқори пардадан бошлаб, авжини унга айттирувдим, охири овози етмади, үзим айтдым.

— Битта-иккита, улар үхшатолмаган жойлариниям Ҳайтбай акам үхшатилар... — сұхбатта қўшилди кимдир ўтирганлардан.

— Ҳа, ижод нима бўлаяпти?

— Ҳаракат қиласаяпмиз!

Муҳими тўхтаб қолмаслик керак. Олдинга юрмаган, орқага кетади.

— Энди қўшиқчи бир қўшигини бир даврада бир-неча бор айтади. Биз бир марта айтсак, эскиради. Иккінчи марта шу даврада бир йилдан кейин айтсак ҳам “Янгисидан бўлсин!”— дейди, эсида қолган бўлади.

— Жон чекмасант, жонона қайда?!.. Янгисидан айтиб берайми?

Довдир шоҳ

Қадимда бир юргнинг подшоси бўлиб, у алмойи-алжойи гаплари билан доим қовун тушуриб юрар экан. Шу боис катта йигинларда шоҳнинг гаплари чегарадан чиқа бошласа, вазир унинг сингини тортиб қўяр экан шоҳ эса шунда ўринсиз гапириб юборганини дарҳол тушуниб жим бўларкан, вазир эса вазиятни илиб кетаркан.

Бир куни ўзга юртдан бир гала меҳмон келибди. Кўришиб бўлишгач, шоҳ улардан сўрабди:

— Ҳўш, мамлакатингиздаги итлар ва мушуклар семирмокдами?

Шоҳнинг бу саволидан меҳмонлар ажабланицибди. Вазир эса тезда шоҳнинг енгидан тортиб қўйибди ва гап бошлабди:

— Шоҳим бу гапни бекорга сўраганлари йўх, у кипи айтмоқчиларки мамлакат одамлари тўқ бўлса итлар ва мушуклар ҳам семираверади. Шу орқали мамлакатингиз кишиларининг ҳаётини билмоқчилар.

Меҳмонлар тушундик, дегандай бошларини қимирлатасёттанды, шоҳ яна қовун туширибди.

— Падаринта лаънат, — дебди у вазирига. — Ҳамма галим тұғри бұлса нега енгімдан тортасан...

Тилла балиқ

Бир рус йигити балиқ ушлаш мақсадыда дарёга қармоқ ташлаб ўтирган экан, орадан озроқ вақт ўтиб-ўтмай, қармоқ қимирлабди. Иван шоша-пиша уни күтариб қарасаки, тилла балиқ эмиш.

Тилла балиқ йигиттә «мени қўйиб юбор, учта тилагингни адо этаман», дебди. Йигит рози бўлибди ва биринчи тилагини айтибди:

— Мана шу дарёнинг сувини ароққа айлантир.

Шундай бўлибди. Йигит хурсанд бўлибди ва кафтини тўлдириб ича бошлабди. Сўнг иккинчи шартини айтибди:

— Энди уйимнинг олдидан ўгадиган ариқда ҳам ароқ оқсин. Бу истак ҳам бажо келтирилибди. Йигит ундан ҳам ичгач анча кайфи ошиб қолибди. Учинчи тилак тезроқ айтилавермагач, балиқ унга тезроқ учинчисини айт деса, Иванбой нима дермиш денг:

— Илтимос балиқчам, менга бир бутилка ароқ олиб бер...

Торнинг дутордан фарқи

Бир даврада дутор ва торнинг қандай фарқи бор, деган савол тушибди. Ҳамма ҳар хил жавоб берибди. Даврадагилар орасида бир кишининг жавоби бундай бўлибди:

— Уларнинг фарқи шундаки, тор дуторга қараганда тезроқ ёнади...

Инсофли йигит

Кишлоқнинг бир гала қарияси чойхонадан қайтишаёттан экан, йўл чеккасида намоз ўқиётган Йигитни кўриб қолишибди. Ва бир-бирларига айтишаёттанмиш:

— Ана бўларкан-ку!

— Ҳа, инсоф берса ҳеч нарса эмас эканда, итдек ичарди

ўзиям, демак ташлабди-да.

Шунда намоз ўқиёттан ҳалиги йигит шарт ўрнидан туриб нима дермиш денг.

— Намоз-ку майли, бунинг устига мен рўза ҳам тутганиман...

Қандай боқамиз?

Кичикроқ бир давлатда очлик бўлиди, донолар маслаҳатта йиғилишибди.

— Нима қилдик?

— Қўшни давлатта уруш очамиз. Улар кўпчилик, бизни босиб олади ва боқади, — дебди донолардан бири.

— Ий-я, уларку боқади. Биз ғалаба қилсак-чи, унда уларни қандай боқамиз? — дермиш бошқаси.

35. ЗА ҲОКАЗОЛАР ҲАҚИДА...

ЎРТАКАШ БОРМИ?

Эсимни танибманки бу шарафли вазифани бажариб келаман.

Бу ҳақдаям кўп изланамиз...

У қандай бўлиши ва нима қилиши керак?

Бирор йиллаб йиққанини сочиб, дастурхон қиласди... У ўз уйида байрам қилмоқчи... концерт қилмаслик керак, демак байрам қилиш керак.

Байрам... айттайлик, Янги йил...

Ўз қонуни бор... Корбобо шеър айтган болаларга совға улашади... Демак, бола йил давомида Қорбобони кутади... шеър, қўшиқ ёдлайди.

Тўйда ҳам шундай... Сингиллар тайерланади... янгалар, сарполар «гул базми».

Билимдон, топқир, қувноқ, зукко ва ҳоказо, ҳоказолар бўлиши керак эканда ўртакаш дегани.

Чунки шу байрамни у ташкил қила билиши керак...

Шеъриятта ўрин бериш, сұхбат савиасини күтаради...
албатта, жойда ўқылса.

Үзи азалшан шоирлик халқымыз табиатида бұлған. Одамлар
бир-бирларига гүзәл шеърларни айтиб гаплатишган...

Абдулла Қодирий «Мехробдан чаен». Анвар ва Раъно...

Эслант...

«Гул балми» шундай гүзәл одату-фазилатимизни урға
айланған күриниши.

Ағсуски бу Зокир қызық айттанидек,

Гүлингиз ўшшайды мачалкага,

Үзингиз ўшшайсиз оечаркага -

деган даражага түшуб қолди.

Келишингдан воқиғ бұлсам, балоғоҳ

Йұлларингга гүл экардым субхигоҳ

Шу гуллардан гулдасталар тутардым,

Шундай баҳтдан маҳрум бұлибман, з воҳ...

Гапингиз аниқ ва күлтили бўлиши керак, дейди устозлар...
Масалан:

— Энди битта сиғирни ҳайдаш учун подани безовта қилиш
түғрими?!

— Отаси чұтыр бұлсаям қизи пахтадан.

— Юмалоқ ястиқ қилиб, ўқариққа боссанғ ҳаққынг кетади.

Бу гапларнинг бари китоблардан олинган...

— Сен севадиган аёл билан яшаганың маъқулми ё сени
севадиган аёл билами?

— Ҳурматли стол ва стул пассажирлари ва тұйхона
гражданлари!

— Бутун дунё пролетарлари, кемиринг!

«ҚИЗИҚЧИ» КОНКУРСИ

Мен қизиқчи конкурсини томоша қилиші баҳтига мұяссар
бұлғанларданман.

«Қизиқчи-89»

Мирзабек Холмедов

Обид Асомов

Абдулла Акбаров

«Қизиқчи-90»

Хожибой Тожибоев
Содир Мамасолиев
Болта Тошматов

«Қизиқчи-91»

Худойберди Зиёдов
Тохир Саидов
Файрат Аҳмадалиев

кейин, «Қизиқчи-97»

Валижон Шамшиев
Зокир Очилдиев

Конкурс бу ижодкорлар ижодида қандай роль йўнади?..

Мен «Қизиқчи-97»нинг ёпиқ туридан қайтганман. 1998 йил ҳам омад чопмади. «Қаҳқха» (Навоий) ва «Афанди шай» (Бухоро) улокни олиб кетди...

Лекин бу конкурс менинг ҳастиимда муҳим рол йўнади...
Мен росмана кулдириш ҳақида ўйлай бошладим. Мен ўшанда кулдира олмадим. Хатойим – мен конкурс шартлари ҳақида кўпроқ ўйлабман.

Биринчи шарт:

Юсуфжон қизиқ ижодидан...

Иккинчи шарт:

Матбуотда чиқсан нарса...

ва учинчиси, адашиласам, эркин мавзу эди.

Хуллас, улоқ шартни бажаргандан кўра, кулдирганга бўлди.

Конкурс қандай бўлиши керак?... Назаримла олдин биз мактаб ташкил қилишимиз керак.

Республикамида масалан, қаратэ бўйича бир неча турнирлар ўтказилади ва унда ҳар гал янги-янги истеъодлар кашф этилади. Республикада қаратэ федерациясига қарашли ўнлаб мактаблар бор ва мусобақада шу мактаблар иштироқчилари қатнашадилар.

Бизга шундай устоз атроғига шогирдларни тўплаб, мактаб қилиб тарбиялаб конкурсларни спорт мусобақаси даражасида ўтказишга ҳеч нарса халақит бермайди..

Гап ўзимизда!

ҚИЗИҚЧИ ҚҰШИҚ АЙТАДИМИ?..

Қизиқчимисан? .. Қизиқчилігінгі құл!.. – дегэн гапни, түтіриғи, танбөхни күп эшитамиз.

Биринчидан, бу эътиroz түғри.

Чунки күплаб концерт ёки ҳар қандай тадбирларға зытибор берсанғыз үнлаб құшиқчилар иштирок этади-ю, бұлса битта ё иккита қизиқчи бўлади.

Энди у қизиқчиям құшиқ айтса...

Иккинчидан:

Қизиқчилар бутун бошли томоша күрсатса-ю, бир ярим соат гапирса, аникроғи кулдирса. Томошабин нафақат зерикади, ҳатто чарчайдиям.

Устозларга мурожаат қиласыз!

“Томошабин диққатини битта мавзуга 7 минут ушлаб туриш мумкін”.

Худлас, ҳар 7-10 минутда мавзуу, ижро, жанр ва ҳоказа ўзгариб туриши керак, деб үқтиради узтозлар.

Демак, қизиқчи құшиқ ёки шеър айтишга, рақсга тушишга, фокус күрсатишга ва ҳоказога мажбур, шарт... ва ҳақли.

Лекин құшиғи – ҳофиз құшиғидан, рақси – раққос рақсидан фарқ қилиши керак.

У нимаики ижро этмасын қизиқчи эканлыгини ұзиям, томошабин ҳам ҳис этиб туриши керак экан.

“Қизиқчи құшиқ айтадими?!” – деб сұрашади.

А, тракторчи айтаяпты-ю, биз санъаткормиз-ку?!

Гарчи шундай бўлсада:

Мухтислар талаби ва қизиқчини камчилигидан томошабин ҳукміга иложи борича кулгили гапларни гапиришга ҳаракат қиласыз. Натижада күплаб жиiddий гаплар ва құшиқлар айтилмай қолиб кетаяпти.

ҚИЗИГИДАҢ

БҮГУННИНГ ГАПИ

- Бүш пайтингизда нима қиласыз?..
— Ухлайман.

(Бир сұхбатдан)

Үйгоқ одам ҳеч бўлмаганда, ўйлади...
Ижодкор одам тушида ижод қиласи...
Лекин, негадир муҳлис қизигидан сўраса, малол келади...
“Ўйнайдиган одам, ахборотгаям ўйнайверади”, — деб
Кўяди, баҳона топсангиз...

Нега малол келади?...

Ноўрин бўлганда мавили, Ӯринли ҳолдаям кўпинчча
айтмаймиз...

Менимча, сизни кулдириш қийинлигидан!

Бугуннинг гапи...

Санъат талабларидан бири чиройли гапира билиш. Бу факат
санъаткоргамас ҳаммага тегишли.

Аввал худо ёш берсин,

Қозон тўла ош берсин,

Кетмас давлат кенг феълу

Ёстиқ тўла бош берсин,

Ҳаммамизга омаду

Сабр, ҳам бардош берсин, — дея ният қиласиз.

Ассалому алайкум.

Зафарларнинг тахти-ю

Замонамиз баҳтини

Толеълилар тожи-ю,

Хайлри амалларингиз ривожини берсин!

Яхшилар.

— Атрофнинг гўзаллигини қаранг!..

Нега хафасиз?.. Бу томондан қаранг-да.

Гўзал-а?...

Чиройли ва ёқимли гапириш...

Тўғриси назаримда анча танқисланиб, тортилиб қолди.

Үзи қандай шир қўпол муюмилага мослашиб қолгандаимиз.

— Нега такси ҳайдовчиси қўпол?!

Тасаввур қилинг, йўл четида турганингизда шундай ёнингизга такси тўхтаб, ҳайдовчи эшикдан тушиб, орқа эшигини очсада, қўлини кўксига қўйиб:

— Марҳамат, айтган жойингизга тез ва арzon етказиб кўяман, ўтириңг,— деса?..

Ўтирамайми! Бу шундай хизмат даражасига етмаганимиздан эмас... бунақа муюмилага урганмаганимиздан.

Тўйларда кўп кузатаман. Сиз ҳам зътибор берингда... ёш мактаб ўкувчиси билан олим одамни гапи деярли бир хил.

— Бу оқшом икки гуноҳсиз гуноҳкорларга... бахт, боласи кўп бўлсин... ота-она, элу-юртта хизмат қилсин...

Масалан мумкин-ку, куёвнинг жўраси...

— Бу оқшом икки ёш баҳтини куриб,

Севигига шукронга айтадур кўнгул.

Муҳаббат борлиги учун дунёда,

Куёв булбул мисол, келин мисли гул.

Қалбларда табассум, чеҳралар гулгин

Бор бўл муҳаббат!

Муҳаббат учун!...

деса бўлади. Лекин айтмайди... Чунки ўтирганлар “Эҳ, қойил зўр гапирди!” демайди-да... “Ий-я, шигтингга урай, томи силжиби!”,— дейди. Тан олиш керак. Замон ўзгаради... баъзи гаплар эскириб тушиб қолаверади-да, ўрнига янги сўзлар кириб келаверади.

Масалан: Аэропорт, самолёт...

Бугунда масалан “сотивный связь” — уяли алоқа воситаси.

Тилимизга жуда чиройли бўлиб “сотка” бўлиб кирувди...
Хозирги атамаси “қўл”.

Энди уй телефонга — қўл телефон бўлди-да, назаримда.

Бир зиёли йигит телефон қилди...

Уни ибораси билан “боғланди”...

— Зокиржон билан боғландик... Яна икки соатдан кейин “қўли”га чиқамиз...

Бунга чидаса бўлади. Энди кўчада зътибор беринг...

“Сал туриб “қўл” имта қиласиз!..”

Ё, “қўл” ингизни қўшиб қўйинг, ҳал бўлса, мен “қўл” ингизга қиласман..”

“Соат 4-5 да уйда бўламан, “уйим”га қилинг. Чет элдан келган-келаётган ўзбеклар. Умуман ўзбекчани биладиганлари хайрон”.

Ўзи Ҳожибой ака айтганидек: “Ўзбекни гапи қизиқ!”

Бир Йигилишда хўжалик раиси гапирайатти:

— Неъматжон, дуруст кадр...

Энди ҳозир бу кишининг қурти бор...

Кутилиб олсин, мудир қилиб, молхонага боғлаб ташлаймиз! Ўша ерда ўтирган одамлар бу гапта кулмади... Чунки улар бу томондан қараб, бунақасига тушиниб ўтирибди-да... Бунақасига қарасангиз раиснинг гапи тўғри.

— Ферма мудир қилиб кейин молхонага боғлаб ташлашса. Яхши!

Биз сиз билан кулямиз, чунки биз ҳозир бу томондан қарайпмиз!

Энди баъзи гапларни шунаقا айтса тушунасиз, баъзиларини тушунмайсиз. Шунаقا вазият...

Дўстим, синфдошим, муаллим мактабда...

Қўчада гаплашиб турувдик, бир бола тез ўтиб кетаётувди... Муаллим чакириб олди...

Тез ўтиб кетмоқчи бўлганига сабаб, уч кундан бери мактабга бормаётган экан.

Уришиб кетди:

— Нега дарсга бормадинг?

— Молимизни фермага обордим.

— Тушунарли майдалаштирмаймиз.

Муаллим ҳам тушунди... Лекин муаллим иккинчи саволининг жумласини нотўғри тузиб кўйди.

Бола тушунмади. Муаллимнинг жумласи:

— А, шу ишни даданг қиласа бўлмайдими?

Бола бир пас муаллимга тикилиб турди-да:

— Энди дадам қиласа бўлади-ю, хўкиз яхшида,— деди.

Тўғри, боланинг соддалиги бор! Бир тўйда эътибор бериб турсам, бир йигит чиҳиб тўйнинг згаси устидан пул сочди. Бир бола 25000 сўмлик костюм билан ўзини тупроқка ташлаб 100 сўм олди... боллади!

Лекин сиз билан биз-чи?!

Аввал ўзимиз эдик... ўзимизники ўзимизга билинмасди.

Ҳозир дунё келиб-кетаятти уйимизга!

О, МУҲАББАТ

— Даврамизда кўпчилик ёшлар бўлгани учун, келинг, ёшларбоп мавзуда яъни, ишқ-муҳабbat мавзусида гаплашамиз... Ва баъзи бир ўртоқларнинг юзига қон юргуди. Сизлар яна ўйламанглар ... мен шу ёшга кириб, битта қизнинг қўлини тутиб, “Мен сизни севаман”, деган йигит эмасман деган экан биттаси.

Менинг ҳозирги номерим барча ижодкорларга қарши бўлади... Мен ўртоқларим муҳаббатини қоралайман...

Муҳабbat армони билан абадий ва гўзал. Агар Фарҳод-Ширинга, Мажнун-Лайлита эришганида... бу муҳабbat достон даражасида бўлмас эди, дейишади.

Ўзи бундек қарасангиз, муҳабbat бекорчиликнинг маҳсули, деган экан биттаси. Ҳақиқатдан ҳам.

Буюк ошиқларга қаранг — Ромео, Фарҳод, Тоҳир... Фирт бекорчи болалар бўлганда...

Мана ҳозир муҳабbat йўқ! — дейди...

Бор. Ҳозир ҳам Фарҳод-Ширинни севади. Но токқа чиқиб кетишта вақт йўқ. Туштacha ўқиш, кечтacha дўкон... Бекорчи болалар ҳам бор. Уларда пул йўқ.

Ўйку жой танламас, муҳабbat ёш танламас, дейди.

Бир лекцияда Лектор:

— Ўртоқлар, шундай экан, 70 га кирган чол ҳам севиб қолиши мумкин, — деса даврадан бир чол туриб:

— Умрингдан барака топ, болам, шу гапингни қайтар, дермиш.

Муҳабbat боғчада бошланади... Лекин ёшлик... боғча опасини севиб қоладими-ей... “Ошпаз холамга уйланаман” - деб қолди кенжа ўтил. “Ҳа ўғил бола, овқатлари маъқул бўп қолдими” десам, “Я, ўзлариям ёмон эмас”, — дейди.

Энди мактабда 10-11 синфларда.. А? Бирдан ўзгариб қолади... Йигитлар вазиленлаб соchlарини тараб... А? Ялтирайди-да...

Айниқса, талабалик даврида...

Талабалик ва талабалар ҳақида ҳазиллар жуда кўп...
Масалан:

Бир талаба нонни тепиб кетаётса, бошқа талаба кўриб қолиб:

— Нонни тепма, аблак!.. Ўртоқлар!.. деса буниси:
— Ҳой бақирма, бурчакка ўтказиб олай, бўлиб еймиз,
дермиш...

Унданач даҳшатлиси:

Ужисфильмис.

Бир одамхўр бир талабани ушлаб, егани олиб кетаётса,
йўлидан бошқа одамхўр чиқиб қолибди.

— Ҳа, тушликками? — деса.

— Ҳа! Институт ётоқхонасидан ушладим, дарсга бормаган
экан...

— Талаба бўлса қўйиб юбор, — дебди,

— Нега? — деса

— Кечакан ҳам бир талабани ушлаб қозонга босувдим...
Кайнагунча қозондаги бор картошкаларни еб қўйибди! —
дермиш.

Энди ҳаётнинг қизиқлигини қарангки, севгини гуллаган
пайти айнан шу талабалик даврига тўғри келади-а?

Чўнтакда тийин йўқ. Ҳали у қизнинг орқасидан сарсон,
ҳали бу қизнинг... Лекин қаранг, қандай бахтли дамлар эди?...

Энди аспирант дегани даҳшат!

Боя одамхўр ҳақида гапирдиму, шунинг иккинчи серияси.
Ужисфильмис-2

Одамхўр ярим кечаси уйғониб кетибди...

Хотини “ҳа, дадаси” — деса...

— Биз нега яшаемиз, биз киммиз, нимамиз? ... Нима
қилиб юрибмиз бетта?! Эртанги кун...

— Ётинг-ей .. нима экан дебман. Сизга неча марта айтдим,
ётишлан олдин аспирантнинг гўштини еманг, деб, — дермиш.

Мұҳаббат ёш танламас дедик-а?

Мұҳаббат миллату-mansab ҳам танламас экан

Севги бир хил, изҳори ҳар хил экан. Африка ва Жанубий
Америкадаги ҳиндуда қабилаларидан бошлайман.

Батзилари чуқур-чуқур нафас олиб севги изҳор этса...

Бошқа бир қабилаларда юз-кўзига бурнини ишқаб,
туфлаб, туфлаб севги изҳор қиласар экан...

Чиройли қизга келиб “туф” деса, йигит маъқул бўлса,
қиз: “туф” — деркан.

Кейин иккови домкомга тупиришар экан.. Ўз ўрнида
домкомбобо ёшларни яхшилаб туфлаб қўяркану, кейин

бамбуллан бир уй, бир даҳлиз – туфлашиб яшайверар экан.

Германиянинг қайси бир шаҳрида ҳозиргача сақланиб келаёттан бир одат бўлган экан. Яъни, йигит бўлажак келинни эшиги тагини супириб кетар экан...

Қиз иккинчи ё учинчи куни чиқса, супираётган пайтда, демак рози дегани экан.

Ривожланган Европа давлатларида, йигит қизни розиличини олгач, бўлажак қайнотасига учар экан:

– Сэр, мен қизингизга уйланмоқчиман?

– Мен розиман. Онаси, яъни, хотиним билан гаплашиб кўрдингизми?

– Ҳа, лекин мен қизингизга уйлансанм девшим.

Энг қийини бизники бўлса керак-в?..

Қизнинг розилигини олишни ўн сериали кино қилса бўлади.

Охири:

– Жоним мен сизсиз Яшолмайман. Сизчи? ... десангиз.

– Менга барибир... дадам билади, дейди.

Ва мен ҳамиша фахрланиб юраман, чунки дунёда фаҳат бизнинг қизларимиз:

– “Дадам билади” – деркан.

Кейин “кулчилик”, “совчилик”... Бошланди томоша, садағанг кетай...

– Ия, Афандим йўл бўлсин?...

– Кўчаятман...

– Бори шуми?. Бу қанақа кўч?

– Тўртта қиз чиқарганники.

Бир тоғамизнинг ўнта қизи бор экан. Тўққистасини эшикдан оқ фотиҳа бериб кузатиб, кенжатойга дуо беришга чиқмасмиш...

Қариндош-уруг деразадан:

– Чиқмайсизми? – деса:

– Қанақа қилиб чиқаман эгнимдаги шимни куёвга ечиб бердим-у?! – дермиш. Ўзи ўйлаб қарасам, биз ҳамма нарсани қийинлаштирамиз-у, кейин қийналиб қоламиз. Тенгдошлардан энг биринчилардан уйланганман. 1988 йил мактабни битириб ўқишга кирдим. Биринчи курсни битириб, уйландим. 1989 йил март...

Қолганлар асосан армия хизматию, ўқиш 1992–1995

Йилларда уйланди...

— Болалардан нечта? — десам, биттаси:

— Саккизта, — дейди...

Яна биттаси:

— Сен 5 млн пулинг бўлишини хоҳлайсанми ё бешта қизинг бўлишиними? — десам,

— Бешта қизим бўлишини хоҳлайман, — дейди.

— Нега? — десам.

— Чунки менинг тўғизига қизим бор! — дейди.

Ха, энг қийини ўзимизни!

Ўзимизнинг қўлимиизда-ю, нега осонлаштирмаймиз, ахир....

Мұҳаббат — бу мұҳаббат!

— Кулдингизми?!

Ўзи асосий мақсад шу!

45. ХОЖИМА ЧРНУДА

Домлам Мұхсин Қодировнинг ёнида, санъатни ҳар қандай жумбоғига калити бордек ҳис этаман ўзимни.

— “Ўмирбек лаққи” деган китоб қўлимга тушиб қолди, — дедим...

— Ҳа.. Ўмирбек лаққи — Коралпоқнинг афандига ўшаш қархамони. Асли Ҳоразмга тегишли. Қизиқчилик, аскиячилик сингари “лаққичилик” деган йўналиш бор. Қизиқчи латифа айтса, лофчи лоф айтади. Лаққи — ҳаётидан, бошидан ўтганларини айтиб кулдиради, — дедилар.

— Минатюра 5-7 минутлик асар... “Ҳандалак”, “Обидшоу”, “Маслаҳат” ками 20 минут, бўёғи бир соатгача давом этади. Ҳудди кинокомедиядек. Ижод маҳсулимиз ҳам, комедия жанри талабларига деярли жавоб беради.

Энди кино бўлгани учун “кинокомедия” дейилса, телевидение учун қилган ижодий ишимиизни “төлекомедия”, деб атасак, нима дейсиз? — дедим, яна бир сафар...

— Мумкин, фақат исбот қилиш керак. Жилмайиб:

— Илм исбот талаб қиласи! — дедилар.

Чарли Чаплиннинг шундай сўзлари бор:
“Мен ҳеч нарсани ўзгартиrolмадим... Фақат одамларни
кулдирдим... буям ёмон эмас” – дейди...

Бу китобда курган, зшиятан ва ўқиганларимдан тушун-
ганиларимни жамлашга ҳаракат қилдим.

ИККИЧИ ДОВОЗ ЕХУД «КУЛГИ ШАҲАРЧАСИ»ДАН ҲАЁТ МАЙДОНИГА

Шогирднинг биринчи китоби... “Кўлги ҳақида...кулишиб,” – деб номланган эди.

Китоб – ўз номи, мундарижаси ва тақоррланмас шаклу мазмуни билан китобхон қалбидан, жовонидан жой олди.

Китоб соҳа хусусидаги таҳтил ва талқинга бойлиги билан қимматлироқдир.

Китоб – кулгি ҳақида шахсий фикрга эга бўлишга ундейди.

Қўлингиздаги эса биринчи китобнинг мантиқий давоми ва кулги шаҳарчасига кирмоқчи бўлганлар учун амалий қўлланма бўлади. Чунки, нима қилиш керак ва уни нима қилиши керак, дегувчиларга жавоб бор.

Китоб – амалиётда исботланган фикрлар асосида ёзилди, шу боис ҳар қандай гумон ва сўроқлар ўринсиз.

Демак, шундай қилса ҳам бўлар экан!

Лекин, айтиладиган ва айтилиши керак бўлган гаплар ҳали кўп...

Демак, бу китобниям давоми ҳали бор...

*Маъмуржон УМАРОВ,
Ташкент Даълат Санъат Институти
китобга ўқитувчиси.*

Мундарижа

I. ТАВСИФНОМА	3
1§. Китоб нима ҳақида?	5
2§. Ассалому алайкум, Устоз!	7
3§. Ўзимиз ҳақимизда...	9
II. КИТОБ (Қизиқчилар учун)	11
Биринчи сўз	11
1§. Қизиқчи-томушабин	13
2§. Қизиқчи-муаллиф	16
3§. Қизиқчи-режиссёр	22
4§. Қизиқчи-икроҷи	25
Гап сўнгига.	30
5§. Ижодимиздан	39
«Ҳандалак» т/ж	44
«Марду-майдон» ҳангомалари	
«Биз саҳнада...»	
III. КИТОБГА СИҒМАГАН ФИКРЛАР	71
1§. Бундай деганим йўқ (Нусрат Бобоев)	71
2§. Нега ёзилди... бу саҳифа? (Максуд Жонихон)	75
3§. Ва ҳоказолар ҳақила	82
— Ўртакаш борми?	82
— Конкурс ҳақида	83
— Қизиқчи қўшиқ айтадими?	85
— Қизигидан	86
4§. Хотима ўрнида	92

Адабий-бадиий нашр
ОРТИҚ СУЛТОНОВ
КУЛГИ ШАҲАРЧАСИДА

Ҳангамалар, интермедиалар, кулгилар, хандалар

«NAVRO'Z NASHRIYOTI»

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кӯчаси, 30

<i>Масъул мұхаррир</i>	Исроғил ШОМУРОДОВ
<i>Мұхаррир</i>	Тұлқын ЭШБЕК
<i>Бадиий мұхаррир</i>	Светлана БОБРОВА
<i>Техник мұхаррир</i>	Аббос ТУРСУНОВ
<i>Суратлар муаллифи</i>	Нұймон МУҲАММАДЖОНОВ
<i>Мусаррихлар</i>	Мавжуда ЖҮРАЕВА
	Нилуфар КЕНЖАЕВА

ИБ № 17. 2003 йыл 5 апредза тоғыш ирилди.

2003 йыл 5 майда босишта рухсат этилди.

Бичими 42x30^{1/2}. Офсет усули. Офсет қозози.

Хажми 6.0 босма табоқ. Буюртма № 8.

Адади 500 нұсха. Баҳоси келишилтган нархда.

«MUTARJIM» шўъба корхонаси мәтбаа бўлими.
Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, Қошиқчи 1-тор кўча, 1.